XORIJDA

# ТЎФОН ҚУРБОНЛАРИ ЁДГА ОЛИНДИ

Кеча Осиё минтақаси аҳолиси 2004 йил, 26 декабрь куни жануби-шарқий Осиёда рўй берган энг кучли зилзила ва унинг оқибатида пайдо бўлган тўфондан ҳалок бўлганларни ёд этди.

Индонезиянинг Суматра ороли яқинида рўй берган зилзила ер қатламлари силжишига олиб келган ва бунинг натижасида кучли денгиз тўфони пайдо бўлиб, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Индонезия, Таиланд каби мамлакатларга жиддий талафот етказди. Айни пайтда табиий офат оқибатида 230 мингдан ортиқроқ одам ҳалок бўлгани аниқланган. Миллионлаб инсонлар бошпанасиз қолди ва тирикчилик манбаларидан айрилди. Тўфон «ташриф буюрган» мамлактлар иқтисодиётлари 10,7 миллиард доллар зарар кўрди.

Дунё ҳамжамияти Ҳинд океанида рўй берган табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун 11,4 миллиард доллар ажратди. Бу мақсадлар учун АҚШ, Германия, Европа Иттифоқи, Австралия, Япония, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки энг кўп маблағ сарфлади.



БМТ экспертлари дунё ҳамжамиятини Ҳиндистон, Индонезия, Шри-Ланка, Мальдив ороллари, Таиланд ва Сомали ҳукуматларига талафот кўрган аҳоли турмуш шароитларини яхшилашда кўмаклашишга чақирди.

Экспертлар фикрича, орадан бир йил ўтган бўлса ҳам одамларнинг яшаш шароитлари ачинарли аҳволдалигича қолмоқда. Уларнинг айтишича, кўчирилган кишилар ҳалигача палаткаларда яшаб, аксарият ҳолларда тоза ичимлик суви, тиббий ёрдам ва санитария хизматларидан фойдалана олмаяптилар.

2005 йил ҳам табиий офатларга бой бўлди. Швейцариянинг «Swiss Re» суғурта компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, шу йили турли офатлар натижасида 112 минг одам ҳалок бўлиб, улардан кўрилган зарар 225 миллиард долларни ташкил этди.

Бу тарихда энг юқори кўрсаткичдир. 2004 йилда турли фалокат ва офатлардан кўрилган зарар 205 миллиард долларни ташкил этганди.

Яқиндагина Покистонда рўй берган зилзила 90 мингга яқин одамни ҳаётдан олиб кетди. Айрим одамлар зилзиладан омон чиққанига қарамай, бошпанасиз қолиб, совуққа дош бера олмай ҳалок бўлишмоқда.

Мартда Суматра оролидаги зилзила туфайли яна 2,6 минг киши ҳаётдан кўз юмди. Яна 600 шахс Эрондаги зилзиладан нобуд бўлди.

Шу йилнинг бошидан буён турли офатлар суғурта компанияларига 80 миллиард долларга тушган бўлса, ўтган йили жануби-шарқий Осиё тўфондан зарар кўрганида 49 миллиард доллар тўланган эди. Зарар кўрганларнинг 90 фоизи осиёликлар бўлса-да, суғурта пулларининг аксарият қисми, яъни 70 миллиард доллар АҚШ фуқароларига тўланди. Бу ҳол осиёликларнинг суғурта хизматидан фойдаланмасликлари билан изоҳланади.

**Хуршид РАУПОВ**

## ✓ ИСРОИЛ



Исроил бош вазири Ариэль Шарон 18 декабрь кунги микроинсульт хуружидан кейин яна ўз вазифасини бажаришга киришди.

Ариэль Шароннинг расмий вакили, бош вазир шифокорлар назоратида бўлиб туриши ва аста-секинлик билан аввалги иш тартибига тушиб олишини маълум қилди.

## ✓ ОЗАРБАЙЖОН



Ўтган ҳафтада Озарбайжоннинг Боку шаҳридан Қозоғистоннинг Актау шаҳрига қараб йўл олиб, ҳалокатга учраган самолёт йўловчиларининг шахси аниқланди.

23 нафар одам — 18 йўловчи ва 5 экипаж аъзосининг жасадлари Озарбайжон пойтахтига келтирилди. Ҳалок бўлганлар орасида Буюк Британия, Туркия, Австралия, Грузия ва Қозоғистон фуқаролари бор.

Самолёт ҳавога кўтарилиб, 40 километр масофани босиб ўтгач, радарлардан йўқолиб қолади. Бироз вақт ўтгач, у Нардаран шаҳарчаси ёнида ҳалокатга учрагани аниқланди.

Фожиа юз берган жойга мамлакат президенти Илҳом Алиев ташриф буюрди. Президент тавсиясига кўра, ҳалокат сабабларини аниқлаш билан шуғулланадиган махсус комиссия тузилди. Комиссияни бош вазир Артур Расизода бошқармоқда.

## ✓ ИНТЕРНЕТ



Интернетда янги вирус пайдо бўлди. У компьютерда «Санта Клаус» кўринишида номоён бўлиб, тизимга ўрнашиб олади.

«Нотаниш» дўстдан келган табрик хатини очиб кўриш охир-оқибатда компьютерингизга вирус кириб келишига сабаб бўлиши мумкин. Сиз пайдо бўлган «Санта Клаус»ни томоша қилиб ўтирганингизга қадар вирус компьютерингизнинг хавфсизлик тизимларини доғда қолдириб, «хакер»ларга машинангиз устидан назоратни қўлга киритиш имконини беради. Вирус машинангизда ўрнашиб ололса, сизда мавжуд бўлган электрон манзилларга хат жўнатиб, танишларингиз компьютерларига ҳам кириб олади.

## ✓ ФРАНЦИЯ

«Рождество» байрами кечаси Францияда 110та автомобиль ёқиб юборилди. Мана бир неча йилдирки Францияда «Рождество» ва Янги йил кечалари ўнлаб ва ҳатто, юзлаб автомашиналар ёқиб юборилмоқда.

Ички ишлар мутахассисларининг фикрича, бу сафарги тартибсизликлар Францияда октябрь ва ноябрь ойларида содир этилганларидан фарқ қилади. Ўшанда асосан муҳожир ҳамжамият вакилларидан ташкил топган шахслар ижтимоий норозиликни билдириш мақсадида машиналарни ёқиб юбориш билан шуғулланган эди. Бир неча ҳафта давом этган тартибсизликлар оқибатида тўққиз мингга яқин автомашина ёқиб юборилиб, кўпгина бино ва савдо мажмуаларига зарар етказилди. Кўрилган умумий зарар 200 миллион еврони ташкил этди.

## ✓ ИРОҚ

Ироқ аҳолиси АҚШ ҳарбийлари мамлакатдан чиқиб кетишларини хоҳлашмоқда. АҚШнинг Қуролли кучлари раҳбарлари қўмитаси раиси, генерал Питер Пейс бу ҳақда маълум қилди.

«Ироқликлар коалиция кучлари мамлакатдан чиқиб кетишини истаётганлари турган гап. Бироқ, улар бизни эратагаёқ чиқиб кетишимизни хоҳлашмаса-да бу ишни иложи борича тезроқ ҳал қилишимизни исташмоқда»,— деди у.

2006 йилнинг мартига қадар Ироқни 7 минг нафар Америка ҳарбийси тарк этади. Шу билан бирга АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд қўшинлар сони ўн етти бригададан ўн бештагача қисқартирилишини айтса-да, ҳарбийларни мамлакатдан чиқаришга шошмаслик керак деб ҳисоблайди.

Айни пайтда Ироқда 160 мингга яқин АҚШ ҳарбийси хизмат қилмоқда.





Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи
«САВДОГАР»
акциядорлик-тижорат банки жамоаси
барча юртдошларимиз,
акциядорларимиз ва ҳамкорларимизни
Янги — 2006 йил
билан самимий муборакбод этади! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди!
Янги йил барчангизнинг хонадонингизга шоду-хуррамлик, қут-барака олиб кирсин! Ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз ҳамда товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга оширишда қулай восита бўлган «Савдогарбанк» пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этамиз.
Янги йилингиз муборак бўлсин!
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 133-72-07, 54-18-65. WWW. savdogarbank. com. e-mail: sgb@ rol.uz

Азиз юртдошлар!
акциядорлик тижорат
«ПАХТА БАНК»
Сизларни яқинлашиб келаётган
Янги — 2006 йил билан
қутлайди ҳамда Сизларга миллий валютадаги
жамғарма ва муддатли омонатлари билан
биргаликда чет эл валютаси
«АҚШ ДОЛЛАРИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ»ини ҳам таклиф этади!
Омонатни сақлаш муддатлари 3 ойдан —
3 йилгача бўлиб, муддатига мутаносиб равишда
йиллик 6 фоизгача даромад тўланади.
АҚШ долларида омонатга нақд пул қўйсиз ва
АҚШ долларида нақд фоизи билан оласиз!
Янги йилингиз омадли келсин!
Янги йилда Сизларга соғлиқ,бахт-саодат тилаймиз!
«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

# СОХТА «ТАДБИРКОР»ЛАР

## ДАВЛАТГА ҲАМ, ХАЛҚҚА ҲАМ ЗАРАР КЕЛТИРАДИ

Ҳукуматимизнинг тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш борасидаги қатор қарорлари ҳалол ишлаб, даромад кўраман деганга кўплаб қулайликлар яратмоқда. Бунинг исботини ҳамма жойда кўриб турибмиз.

Аммо эзгулик билан ёмонлик ёнма-ён юради деганларидек, «сохта тадбиркор»лар ҳам яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Ноқонуний йўллар билан ўзини ишбилармон кўрсатиб, бойлик орттириш илинжида юрган бундай фуқаролар ўз хатти-ҳаракатлари билан «тадбиркор» деган номга доғ туширишмоқда.

Бу борада Ургут туман давлат солиқ назорати идораси ходимлари жорий йилнинг ўтган 11 ой давомида ўтказган қисқа муддатли текширишларда (141 ҳолатда) ҳеч қандай божхона ҳужжатларисиз импорт товарларини сотишга бўлган уринишлар аниқланиб, улардан 54860,0 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва мазкур ишлар судга ўтказилди. Жиноят ишлари бўйича туман суди ана шу 141 нафар фуқарога нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун 4608,5 минг сўм маъмурий жарималар қўллаб, товар моддий бойликларини давлат фойдасига мусодара қилди.

Шу йилнинг август ойида Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро М.Кариевга тегишли Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги умумий қиймати 2049,7 минг сўмлик ва фуқаро Х.Кариевага тегишли бўлган 1803,2 минг сўмлик кийим-кечаклар ноқонуний тартибда келтириб сотилаётгани учун давлат солиқ назорати ходимлари томонидан қўлга олинди.

— Йилнинг ўтган ўн бир ойи давомида давлатга солиқ тўлашдан бўйин товлаб, давлат стандартларига жавоб бермайдиган ва истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан яширин тарзда шуғулланаётган 25 та цех аниқланди, — дейди **туман давлат солиқ назорати идораси раҳбари Асад Аҳмедов.** — Булардан биттаси ўсимлик ёғи, 3 таси ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва 21 таси озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Ўз-ўзидан маълумки, бундай қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар одамлар соғлигига зарар келтириш билан бирга мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шу йилнинг июль ойида тумандаги Мўминобод ширкат хўжалигида жойлашган «Мўминобод» МЧЖга қарашли вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасидан фуқаро Нодир Исматов ҳеч қандай ҳужжатларсиз 1900 литр вино олиб чиқиб кетаётганида ушлаб қолинди. Умумий қиймати 665,0 сўмлик маҳсулотни ўмараётган бу сохта тадбиркор корхона мутасаддиларининг лоқайдлиги, талон-торожлик ва ноқонуний маҳсулот сотишига йўл қўйганликларидан фойдаланган. Суриштирувлар жараёнида шу нарса ойдинлашдики, корхонада 2005 йилнинг биринчи ярмида 2928,0 минг сўмлик вино маҳсулотлари худди шундай ноқонуний тартибда сотиб юборилган. Бу борада тартибсизликка йўл қўйган мутасаддилар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди, албатта...

Туман давлат солиқ назорати ходимлари ҳукуматимиз қарорлари ва Президентимиз фармонларидан келиб чиқиб, жойларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига доир кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

— Ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланиш давлатга ҳам, халққа ҳам, вақти келиб ўзига ҳам хиёнат, — дейди **тадбиркор Ж.Набиев.** — Бугун биз бозорда нима сотаяпмиз?! У одамлар соғлиги, манфаати ва юртимиз иқтисодиётига зиён келтирмайдими? Энг аввало, шу ҳақда ўйлашимиз керак. Юртбошимизга минг раҳмат, барчамизга эркинлик бериб, ҳеч кимга халал бермайдиган қарорлар қабул қилди. Демак, бизга ишонибдими, ўз навбатида биз ҳам тадбиркор деган номни оқлашимиз керак.

Тадбиркор ҳақ гапни айтди. Гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, нафақат сохта тадбиркорлик, балки жамиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам тараққиётга тўғаноқ бўлаётган «курмаклар»га қарши курашмоқ — солиқ хизмати ходимларинигина эмас, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг бурчи.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Фанимиз фидойилари

# ГИННЕС КИТОБИГА НОМЗОД УСТОЗ

Яқинда таниқли олим Тошпўлат Усмонов Низомий номидаги педагогика университети илмий кенгашида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий ишининг мавзуси — «Физика дарсларида Марказий Осиёлик олимларнинг меросидан фойдаланиш». Аслида бу воқеанинг шов-шув қиладиган жойи йўқ. Чунки ҳар ойда қанчалаб киши доктор бўлади. Аммо...

Ҳамма гап шундаки, устоз 82 ёшга қадам қўймоқда. У 65 йилдан буён ёшларга таълим бериб келади. 20 дан ортиқ китоб, рисола ва дарсликлар, 100 дан ортиқ мақолалар муаллифи. Бундан 31 йил олдин «Берунийнинг ишларидан физика дарсларида фойдаланишнинг шакл ва услублари» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Инсоният тарихидаги барча илмий кашфиётлар ғарб олимлари номи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган Шўролар даврида Шарқ алломаларининг аниқ фанларга қўшган ҳиссасини баралла айтиш, ҳатто кўп кашфиётлар ўша пайтда қилинганини мисоллар асосида исботлаш осон эмасди. Фақат юртпарвар ва миллатпарвар инсонгина бунга журъат эта оларди.

Ўша йиллари Тошпўлат Усмоновнинг Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Ар-Розий, Умар Хайём, Умар Чағминий, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Мирзо Улуғбек сингари алломаларнинг аниқ фанлар соҳасидаги бой мероси ҳақидаги мақолалари журнал ва газеталарда мунтазам босилиб турарди. Кейинчалик устоз Миллий телерадиокомпанияда шу мавзуда тайёрланган туркум кўрсатувларда фаол иштирок этди. Шу тариқа у буюк боболаримизнинг асрлар давомида яратган бой илмий меросини кенг оммага етказишда жонбозлик кўрсатди.

Тошпўлат Усмонов бу билан чекланмади. Мактаб ва лицейлар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратди. Бугунги кунда унинг 6-9 синфлар учун физика фанидан ўқув қўлланмаси, 9-синфлар учун астрономия дарслигидан мактабларда кенг фойдаланилмоқда. Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан ҳозирланган «Аҳмад Фарғоний ва Байт улҳикма» номли китоби, Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган «Абу Райҳон Беруний ва Маъмун академияси» номли китоби, «Физика тарихидан методик қўлланма» номли рисоласи олимнинг кўп қиррали тадқиқотлари самараси бўлди. Унинг айрим асарлари рус ва инглиз тилларида ҳам чоп этилди.

Илмга ташналик Тошпўлат отага оиладан «юққан». Чунки у кишининг акалари — Раҳимжон Усмонов ҳам педагог олим сифатида донг таратган эдилар. «Одобнома» ва «Саодатнома» номли китоблари эса ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб ўқилади. Бугунги кунда кўплаб атоқли олимлар у кишини ўзларига устоз деб биладилар.

Тошпўлат Усмонов 1976-1980 йилларда Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида физика-математика кафедраси мудири бўлиб ишлади. 1980 йилдан буён Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институтида аввал катта ўқитувчи, сўнгра доцент, 1999 йилдан буён профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Эндиликда олим катта хонадоннинг бошчиси. У 7 нафар фарзанднинг отаси, 22 набира ва авараниннг бобосидир.

Хўш, энди ўзингиз айтинг, бундай фидойи, юртсевар, заҳматкаш инсоннинг умри давомида қилган ишлари Гиннес китобига арзийдими, йўқми? Бизнингча, арзийди. Зеро, халқ ва юрт манфаати йўлида, келгуси авлодларнинг камолоти йўлида қилинган меҳнат беиз кетмайди. Унинг номи Гиннес китобига бўлмаса ҳам, миннатдор авлодлар дил китобига абадий муҳрланади.

**Насриддин МУҲАММАДИЕВ**

Спорт

# МАҲОРАТ КЎРИГИ



Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида бокс бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан икки юз нафарга яқин «чарм қўлқоп» устаси ғолиблик учун рингга чиқди.

Хабарингиз бор, бир ой муқаддам бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Хитойда уюштирилган жаҳон чемпионатида қатнашиб қайтганди. Шу боис, Ўзбекистон чемпионатида айрим вазн тоифалари бўйича республикамизнинг биринчи рақамли боксчилари саналган Баҳодиржон Султонов (54 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.), Жасур Матжонов (91 кг.)ларга бу гал дам берилди. Шунга қарамай, мамлакат биринчилиги баҳслари муросасиз кечди.

— Бугун халқаро мусобақаларда боксчиларимиз эришаётган ғалабаларни барча кўриб, билиб турибди, — дейди миллий тоифадаги ҳакам Маҳмуд Хўжаев. — Юртимизда иқтидорли ёшлар эса кўп. Терма жамоа мутахассислари етакчи боксчиларни мамлакат чемпионатига жалб қилмай тўғри йўл тутишди. Бу ўз навбатида янги номлар кашф этилиши, ёшларнинг маҳоратини намойиш қилишлари учун имконият яратди. Мусобақа якунида ғолиблар қаторидан жой олган Комрон Қосимов (51 кг.), Орзубек Шоимов (54 кг.), Азиз Улуғов (57 кг.) Алибек Крабаев (69 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Аҳрор Миролимов (91 кг.)лар айнан мамлакат ёшлар терма жамоаси таркибида Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам ўзларини кўрсатишганди.

54 кг. вазн тоифаси учрашувлари аввалида кўпчилик халқаро тоифадаги спорт усталари Тўлашбой Дониёров ҳамда Илҳом Раҳимовларнинг финалда баҳс юритишини тахмин қилганди. Бироқ ҳал қилувчи учрашув мутлақо бошқача кўриниш олди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси сирдарёлик Орзубек Шоимов ярим финалда дастлаб Илҳомни мағлубиятга учратди. Шундан сўнг, Орзубек финалда Осиё чемпиони, Афина олимпиадаси иштирокчиси Тўлашбой Дониёровга рўбарў келди. Ҳал қилувчи баҳсда ҳали анча ёш бўлишига қарамай зафар қучган Шоимов 54 кг. вазн тоифасида юртимизда яна бир иқтидорли «чарм қўлқоп» устаси камол топаётганлигини кўрсатди.

Барча учрашувларни муваффақиятли ўтказган Фозил Файзиев (48 кг.), Комрон Қосимов (51 кг.), Орзубек Шоимов (54 кг.), Азиз Улуғов (57 кг.), Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг.) Турсунбой Абдуллакимов (64 кг.), Алибек Крабаев (69 кг.), Элшод Расулов (75 кг.), Дилшод Обиджонов (81 кг.), Аҳрор Миролимов (91 кг.), Рустам Саидов(+91 кг.)лар чемпионатнинг олтин медаллари билан тақдирландилар.

Эндигина ўн етти ёшга тўлган жиззахлик Баҳром Хидиров (54 кг.) «Ғалабага бўлган иродаси учун» номинацияси ғолиби, деб топилди. Жиззахлик Қаҳрамон Каримов эса мутахассислар томонидан «Чемпионатнинг энг яхши ҳакамиь», деб эътироф этилди. Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида жиззахлик боксчилар биринчи, пойтахт вилояти ва фарғоналиклар кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

**Эркин ХОЛБОБО**

## ҲИМОЯЧИ ЕТТИ МИЛЛИОНГА БАҲОЛАНДИ



Москванинг «Спартак» футбол клуби ҳамда Сербия ва Черногория терма жамоасининг марказий ҳимоячиси Неманья Видич келаси йилдан Англиянинг «Манчестер Юнайтед» таркибида тўп сурадиган бўлди. Ярим ҳимоячининг Англия футбол клубига ўтиш масаласи етти миллион фунт стерлинг ҳисобида баҳоланди. «Мен «Спартак» клуби раҳбариятининг ўзаро келишувга розилик билдирганидан мамнунман», — дейди «Манчестер Юнайтед» бош мураббийи Алекс Фиргюсон.

Маълумки, Видич 2004 йили «Спартак»ка «Црвены Звезды» клубидан ўтган эди. Ўша мавсумда у 10 та учрашувда иштирок этиб, дарвозага иккита тўп киритган. Бу йил эса Видич «Спартак»нинг Россия чемпионатида иккинчи ўринни эгаллашига ўз ҳиссасини қўшди. У 27 учрашувда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасини икки марта ишғол этди. 24 ёшли ҳимоячи ҳозир Сербия ва Черногория терма жамоасининг асосий футболчиларидан ҳисобланади.

## ВАЛУЕВ ЧАП ҚЎЛДА ЮТДИ



Россиялик моҳир боксчи, ўта оғир вазнли Николай Валуев 18 декабрь куни америкалик Жон Руис билан жангда қўли баланд келиб, жаҳон чемпиони номига сазовор бўлган эди. Шу кунларда Валуевга дахлдор турли гаплар тарқалмоқда. Хусусан, машҳур кинорежиссёр Владимир Бортко Валуевга «Мастер ва Маргарита» фильмида суратга тушишни таклиф қилган. Лекин боксчи масъулиятли жанг олдидан кинокамера олдида туришни ўзига эп билмаган. У ўз ўрнига 31 ёшли, бўйи 213 сантиметр, вазни 150 килоли Олег Сорокинни тавсия этди. Яна бир гап. Ўша чемпионликни қўлга киритган жангда Валуев ўнг қўли жароҳат олганлигини ҳаммадан яширганлиги маълум бўлди. Жанг пайтида Николай фақат чап қўли билан зарба берган. Берлиндаги экспертлар гуруҳи боксчининг ҳаракатларини кўздан кечириб, ана шундай хулосага келган.

ЭЪЛОН

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2005 йил 6 декабрь 22-05-05-3740 сонли ҳал қилув қарорига асосан «Хоразмгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамияти банкрот, деб эътироф этилган ва тугатиш жараёни очилган.

Кредиторлар мазкур корхонага тааллуқли ўз талабномалари билан асосан «Хоразмгўштсутсавдо» очиқ акциядорлик жамиятини тугатиш бошқарувчисига 2 ой муддат ичида мурожаат қилишлари мумкин.

«САНИПЛАСТ» ЎЗБЕКИСТОН-ИСРОИЛ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА КЎП ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА КОРХОНА СИФАТИДА ҒЎЗАНИ, БОҒ ВА ИССИҚХОНАЛАРНИ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИ



СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.



«САНИПЛАСТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ, МАТЕРИАЛЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАДИ ВА МОНТАЖ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ. БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ ЭКИНЛАРНИ СУҒОРИШ ВА ЎҒИТЛАШДА МАСЛАҲАТЛАРИНИ АЯМАЙДИЛАР.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказамиз.

Хизмат сифатига кафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй.
Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ







**Мамлакатимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» — Янги 2006 йил байрами билан муборакбод этади. Халқимиз бой-бадавлат, Ватанимиз буюк бўлиб бораверсин.**

**Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ «ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

**«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ «БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, ҳаракат-таянч, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

**«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Гинекологик, андрологик, ҳаракат-таянч ва асаб тизими касалликлари.

**«ОҚ-ТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ «МАРҲАМАТ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

**БУХОРО ШАҲРИДАГИ «СИТОРАИ МОҲИ ХОССА» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, хазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ «ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

**«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ «ЧОРТОҚ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

**«НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ «АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ «ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА**
*Даволаниш учун кўрсатма:*
Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

**Даволаниш муддати — 14 кун.**

***Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон йўлланмалардир!***

*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.***
***Мурожаат учун телефонлар: 56-85-68, 56-70-97.***

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 252
6342 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni —
Topshirish vaqti — 22.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 31-dekabr • Shanba • 156-157 (27.492) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ ШОДИЁНАЛАРИ





Меҳр-мурувват, одамийлик, саховат халқимизнинг энг азалий қадриятларидан. Айниқса, болажонларга қувонч улашиш, уларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш юртимизда барча эзгуликларнинг боши, ҳаёт фалсафаси ҳисобланиб келинган. Шу боис барча шодиёналару байрамларда энг яхши совғалар кичкинтойларга бағишланади.

Бу гал ҳам яқинлашиб келаётган Янги йил байрами қувончларини энг аввал болалар қарши олишди. Бутун республикамиз бўйлаб кенг нишонланган «Президент арчаси» тадбирларида 12 мингга яқин болакайларга совғалар улашилди. Жумладан, барча Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, маҳаллаларда истиқомат қилувчи олти мингга яқин ота-онасиз болага янги йил совғалари топширилди. Шунингдек, Ватанимиз осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари учун ҳам алоҳида совғалар тайёрланди.

— Болажонларнинг «Президент арчаси» байрами йилдан-йилга янги анъаналар билан бойиб бораяпти, — дейди Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази ходими Шерзод Аҳматов. — Жумладан, бу галги совғаларга 24 хилдаги ўқув қуроллари ва ширинликлар жойлаштирилган. Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари Президентимиз совғаларини жойлардаги ногирон болалар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларига топширишди.

Куни кеча пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Президент арчаси» байрам дастури бўлиб ўтди. Бу ерда кўплаб болажонлар ясатилган катта арча атрофида байрам шодиёналарини зўр кўтаринки руҳда нишонладилар. «Томоша» гуруҳи ва эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади. Театрлашган чиқишлар, эртак қаҳрамонлари билан учрашув болажонларда, айниқса катта таассурот қолдирди.

— Бу ердаги интерактив ўйинлар менга жудаям ёқди, — дейди пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Виктор Антонов. — Мен ҳам ўзбекча рақсни қойиллатиб ўйнаб, айиқча ютиб олдим.

Байрамдан қайтаётиб, болакайлар кўтариб олган бир шиорга кўзимиз тушди: **«Бахтли болалик учун Президентимизга, ҳаммага раҳмат!»**

Дарҳақиқат, «Президент арчаси» шодиёналаридан ҳеч ким четда қолмади. У афсонавий Қорбобо ва Қорқиз улашган совғалар тимсолида ҳар бир хонадонга кириб борди. Энг асосийси, фарзандларга ҳурмат, келажак авлодга эътибордир. Бу эътибор эса эртага юртга ҳурмат, Ватанга садоқат бўлиб қайтади.

**Анвар САМАДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратларда:** байрам тадбиридан лавҳалар.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**ЎзХДП янгиликлари**

## ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

2005 йилнинг 28 декабрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунзюнь қабул қилинди.

Учрашувда партия Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон ХДП МК раиси Л.Ғуломов ва Ўзбекистон ХДП МК раисининг ўринбосари И.Кочмарик иштирок этдилар.

Ўзаро хайрихоҳлик вазиятида ўтган учрашувда иккала мамлакат яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, шунингдек, тинчликни мустаҳкамлашнинг минтақавий сиёсати, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига тааллуқли ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий заводига туташ шимолий туманларида экологик вазиятга доир масалаларни ўрганиш бўйича комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисини ўтказди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Н.Каримов бошқарди.

Комиссия мажлисида Тожикистон алюминий заводи кейинги беш йил мобайнида чиқарган заҳарли моддаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири оқибатлари тўғрисидаги якуний ахборот тингланди.

Комиссия ташкил топгандан буён олти марта унинг йиғилиши ўтказилди. Ушбу мажлисда эса уларнинг якунлари умумлаштирилиб, комиссия хулосасини тайёрлаш юзасидан қарор қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## АЙЁМ АРАФАСИДА

Ўзбекистон ХДП Ғузор туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 34-ўрта мактабда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган «Янги йилим — яхши йилим» мавзуида байрам кечаси ўтказилди.

Тадбирда бир гуруҳ хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлик, пазандачилик ҳамда санъат йўналашлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Туман партия кенгаши раиси Р.Холманова барчани янги йил билан қутлаб, партия фаоллари ва беллашув ғолибларига қимматбаҳо совғалар улашди.

**А.МУРОДОВ**

**ЎзХДП фаоллари**

## ЭҲТИРОМГА ЛОЙИҚ АЁЛ

Обида Ҳамроевани Ғиждувонда деярли ҳамма танийди. У умрининг 40-45 йилини далада, одамлар орасида ўтказмоқда. Деҳқончилик заҳмати-ю роҳатини, қувончи-ю ташвишини яхши билади. Бир неча йил механизатор, бригада бошлиғи бўлиб ишлади. «Гулистон» ширкат хўжалигини бошқарди. Ҳамиша кўпчилик ғамини ейди. Шу боис Ватан ва эл ардоғида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор...

— Ёлғон гапни ёқтирмайман. Ишёқмасларни хуш кўрмайман, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Ёшларга тўғри сўз бўлишни, меҳнатга бўйин беришни уқдираман. Ахир, меҳнат одамни элга танитади, улуғлайди, дастурхонини тўкин, рўзғорини бут қилади. Буни қарангки, партиямиз Янги дастурида ҳам одамларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилган!

Обида опа 65 ёшни қоралаган бўлса-да, ҳали далани, меҳнатни тарк этгани йўқ. Бир неча йилдан буён «Муҳтарам биби» фермер хўжалигини бошқаради. Ўзбекистон ХДПнинг фаол аъзоси.

— Шундай сафдошимиз борлигидан фахрланамиз, — дейди туман партия кенгаши раиси Баҳодир Истамов. — Опа камтар, меҳрибон, маслаҳатчи бўлибгина қолмай, балки моҳир тарғиботчи, партия етакчиси ҳам. У киши партия йиғилишларида, фаоллар ўртасида ЎзХДП дастурий ғояларини, мақсадларини лўнда ва тушунарли тарзда ҳар бир киши онгига етказа олади.

Обида Ҳамроева ҳақиқатан ҳам эҳтиромга лойиқ аёл. Чунки, у оилада меҳрибон она, ардоқли буви, маҳаллада эса жонкуяр. Ана шундан бўлса керак, опанинг номи партия ташкил топганлигининг 14 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га киритилди. Яқинда унга бу ҳақдаги гувоҳнома тантанали вазиятда топширилди.

— Мен ҳамиша элим, юртим деб ёниб яшовчилар сафида бўламан. Бундай эҳтиром, меҳр менга янада ғайрат бағишлайди, — деди у кулиб.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**



**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**



## МАЙДОН

***Майдон мафтун этди кўпларни ғоят,***
***Бу жойда айтилди қанча ривоят.***
***Бир кун она-бола кириб келди-ю,***
***Майдон эгасини топди ниҳоят!***

**Абдулла ОРИПОВ**
**29 декабрь 2005 йил**
*Мустақиллик майдони.*

## ЯШИЛ АРЧА БАЙРАМГА ЧОРЛАЙДИ

Андижон шаҳридаги Конституция майдонида безатилган вилоятдаги энг баланд арча барчани Янги йил шодиёналарига чорламоқда. Бу ерда ўтказилаётган байрам тадбирларида катта-ю-кичик иштирок этмоқда. Арча атрофига ташриф буюрган кичкинтойларга Қорбобо ва Қорқиз совғалар улашяпти.

— Қизим Дилфуза, ўғлим Давлатбек билан бу йилги янги йил томошаларини кўриб, жуда қувондик, — дейди асакалик Замирахон Бўтабоева. — Тадбирнинг ташкилотчиларига кўп раҳмат.

— Майдонда фарзандларимизнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу галги байрам шодиёналари янада гўзал, файзли ўтмоқда, — дейди уй бекаси Дилноза Тўхтасинова. — Янги йил ҳаммамизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат келтирсин.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи кўплаб хорижий сиёсатшунослар, мутахассис ва журналистлар эътиборини тортмоқда. Улар ўз чиқишларида республикамиз Асосий Қонуни инсоннинг эркин ривожланиши учун зарур бўлган барча имкониятларни бераётгани, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатлаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратаётгани унинг энг муҳим жиҳати эканлигини таъкидлашмоқда.**

Бельгиянинг сиёсий, ишбилармон ва ижтимоий доиралари вакиллари орасида тарқатиладиган «Ла газет дипломатик» журнали ҳамда Корея Республикасида катта ададда чоп этиладиган «The Korea Post» журнали саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган ҳамда мамлакатимизда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ютуқлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги атрофлича маълумотларни акс эттирган мақолалар эълон қилинди.

Афинада нашр этиладиган «New Europe» ҳафтаномаси эса Ўзбекистон Конституцияси кунига бағишлаб чоп этган мақолада мамлакатимизда 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», деб эълон қилгани таъкидланар экан, бу — «Саломатлик йили»нинг мантиқий давоми бўлганига эътибор қаратади. Муаллиф ўқувчилар учун йилнинг бундай номланиши сабабларини изоҳлаб туриб, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ҳомийликка жалб этилганлар аҳамиятини юксалтириш, бундай фаолият учун қонуний асос яратиш ва ҳомийлик тушунчасини одамлар онгига муҳрлаб, беғараз интилишлар жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши мақсадида ҳомийларга муайян имтиёзлар бериш кераклиги тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтади.

Форс тилида чоп этиладиган «Осиё» газетаси ҳам Эроннинг давлат хизматчилари, ишбилармонлар ва ёш авлод ўртасида катта эътибор қозонган нашрлардан бири ҳисобланади. Унда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов нутқининг тўлиқ матни эълон қилинди. Эронда инглиз тилида чоп этиладиган, ўқувчилари асосини дипломатия корпуси, халқаро ташкилот ва хорижий компаниялар вакиллари ташкил қиладиган энг кекса газета — «Теҳран таймс» ҳам ушбу мавзуга мурожаат этган.

Ўзбекистон Президенти нутқининг тўлиқ матни, шунингдек, Ҳиндистонда чоп этилувчи «Rublic news» газетаси ҳамда «Sapra India Bulletin» ва «Secular Qayadat» журналлари саҳифаларида ҳам эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонасидаги «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари — олий қадрият» мавзуига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқига бағишланди. Учрашувда Федерал Президент девони, Бундестаг, ТИВ, Мудофаа вазирлиги, сиёсий ва ишбилармон доиралар, Берлинда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, ижтимоий ташкилотлар ва Германия ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Берлиндаги «Хек, Штигльмайгер ва ҳамкасблар» адвокатлик идораси раҳбари доктор Г.Хек мамлакатимиз раҳбарининг дунёдаги барча мамлакаталарга бирдек мос келадиган универсал демократия модели йўқлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлар экан, демократиянинг зўравонлик усуллари билан экспорт қилиниши ва бунда унинг асл моҳиятига путур етказиш истиқболсиз эканлигини таъкидлади.

Президент И.А.Каримов ўз нутқида Ўзбекистондаги демократик ва фуқаролик жамияти қурилишининг йўналишларини аниқ белгилаб берган, — деди ўз чиқишида Г.Хек. — Жамиятни демократлаштириш — узоқ давом этадиган жараёндирки, бунда аҳоли фаол иштирок этади. Бироқ давлат аҳолисининг миллий менталитети ва минтақавий ўзига хосликларини ҳисобга олмасдан, ташқаридан туриб «демократияни худди шляпадек кийдириш»га бўлган уриниш, шубҳасиз, фожиали оқибатларга олиб келади — худди ўз вақтида коммунизмни экспорт қилишда бўлгани сингари.

«Ўзбекистон Конституцияси — инсоний қадриятлар ва фуқаро ҳуқуқларининг устуворлигидир». Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида ҳам ушбу мавзуга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда Миср ижтимоий-сиёсий доиралари, етакчи илмий-таҳлил марказлари, Қоҳирада аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси вакиллари, бизнесменлар иштирок этдилар.

Йиғилганларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг юртимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқининг мазмуни тўғрисида маълумот берилди.

Учрашувда сўзга чиққан мисрлик мутахассислар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда Конституциямиз тутган аҳамиятини юқори баҳоладилар. Миср Ташқи ишлар вазирлигининг МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси бош котиби Али Басюнийнинг айтишича, демократия ва халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатидир.

Миср Ташқи сиёсат бўйича кенгаши аъзоси Аҳмад Валийнинг фикрича, Миср Ўзбекистон Конституциясида акс этган ва демократик жамият барпо этишга қаратилган давлат сиёсатининг баъзи жиҳатларини ўз ҳаётига татбиқ этиши фойдали бўлур эди.

Учрашув қатнашчилари Президент Ислом Каримовнинг жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, давлат қурилишида ислоҳотларнинг ўрни тўғрисида билдирган фикрларининг муҳим эканлигини алоҳида қайд этишди. Хусусан, Миср — Ўзбекистон дўстлик жамияти Искандария шаҳри бўлимининг бошлиғи Муҳаммад Зейдан 2006 йил Ўзбекистонда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилингани мамлакатимизда одамлар турмуш даражасини янада ошириш ва соғлом миллатни шакллантиришга муҳим аҳамият берилаётганидан далолат эканини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tex, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**Ер эгаси эртага ким бўлади?**

# ФЕРМЕР — ШУНЧАКИ ЕР ҲАВАСМАНДИ ЭМАС

## ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ОЛГАН ФИДОИЙ ИНСОН

Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизими тубдан ўзгариб, бозор муносабатлари талабларига жавоб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар — деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари фаолият юрита бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида истиқболда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори ўсиш суръатларига эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш ва уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айлантириш ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу вазифани самарали ҳал этиш фермер хўжаликларининг фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларга ер-сув ресурсларини ажратиб бериш, моддий таъминот ҳамда хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, бозор инфратузилмасини барпо этиш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш билан узвий боғлиқдир.

Айниқса, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнининг қатъий назоратга олиниши бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Президентимиз таъбири билан айтганда **«ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошкора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва порахўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим».**

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда қишлоқда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим масаласи бу мамлакатимиз фуқаролари ҳаётининг асоси саналмиш ерни ҳақиқий эгасига — ундан тўғри ва самарали фойдалана оладиган фидойи деҳқонларга топширишдир. Хўш, бунга қандай асослар ва имкониятларимиз бор?

Мамлакатимиз жами ер майдонининг атиги 9,6%, яъни 4283 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади. Улардан 4072 минг гектари ёки 9,1% экин экиладиган ерлар. Ҳисоблар шуни кўрсатадики, бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир кишига 0,16 гектар экин экиладиган ер тўғри келмоқда. Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва саноатнинг хомашёга бўлган талаби эса муттасил ортиб бораётганини ҳисобга олсак, ерни асраш, ундан ўта юқори самара билан фойдаланишимиз зарур. Бундай мураккаб ва ўта масъулиятли вазифани бугун қишлоқда ким ўз зиммасига олади? Бу масала келажак ҳаётимизни ҳал этувчи омил сифатида, Ўзбекистонда яшовчи ҳамма аҳоли қатламларига, каттаю-кичикка бирдек тааллуқли, деб ўйлаймиз.

Аграр соҳани тартибга солишдаги асосий ҳужжат бўлмиш Ер кодексининг 16-моддасида ер давлат мулки — умуммиллий бойлик эканлиги ҳамда ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб қўйилган. Уни олди-сотди қилиш, айирбошлаш, ҳадя этиш, гаровга қўйиш мумкин эмас. Яъни ер хусусийлаштирилмайди. Лекин юридик шахслар доимий эгалик қилиш, муддатли фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида, жисмоний шахслар эса шунингдек мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ер участкаларига эгалик қилишлари мумкин.

Жаҳон тажрибаси ер давлат мулки бўлган шароитда ундан узоқ муддатли ижара шартлари асосида фойдаланиш самарали йўл эканлигини кўрсатади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, деҳқон ўзига ажратилган ер участкасининг сифат даражаларига қараб, ижара ҳақини тўлаган ҳолда етиштирган маҳсулотига ўзи эгалик қилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар қандай хўжалик юритиш субъектининг маълум ер участкасига эгалик қилиши остида, ундан амалдаги қонунчиликка асосан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш, яъни моддий манфаат олиш ётади. Демак, ерга эгалик ҳиссини уйғотишда ушбу ердан олинаётган даромад, етиштирилган маҳсулотга эгалик қилиш асосий роль ўйнайди. Яъни ерга эгалик қилиш умумий тарзда бўлиши, ундан олинадиган даромадни ўзлаштиришнинг хусусий бўлишига тўсиқ бўлмайди. Жаҳон тажрибаси учун ҳам айнан ўзлаштиришнинг хусусий бўлишига кучли эътибор қаратиш хосдир.

Ўзбекистонда аграр соҳада амалга оширилаётган ер ислоҳотларида айнан шу жиҳатлар ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида ўзига ажратилган ерга умрбод мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан эгалик қиладиган деҳқон хўжаликлари ҳамда 50 йилгача, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ердан ижара усулида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган фермер ва ширкат хўжаликлари фаолият юрита бошлади.

Ушбу хўжалик юритиш субъектлари орасида фермер хўжаликларининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлигини таъкидлаш лозим. **Агар 1999 йилда фермер хўжаликларининг сони атиги 23 мингтани ва улар ихтиёридаги ер майдони 665,7 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 103,9 мингтани, ер майдони эса 2935,3 минг гектарни ташкил этди** (1-расм). Ўртача бир фермер хўжалигига 28,3 гектар ер майдони, 1 ишловчига эса 3,8 гектар ер майдони тўғри келади. Ўртача бир деҳқон хўжалигига 0,15 гектар ер майдони тўғри келса, ширкат хўжаликларида бу кўрсаткич 998 гектарни ташкил этади.

*Турли хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги ер майдонининг ўзгариши, (мингга)*

**1-расм**




Фермер хўжаликларининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам муттасил ортиб бормоқда. **2005 йилда бу кўрсаткич 20,4 фоизни ташкил этди. Бу фермерларнинг улуши 1999 йилдагига нисбатан 4,4 мартага ўсганлигини билдиради.**

Юқорида тилга олинган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият ширкат хўжаликлари кутилган даражадаги самарадорлик кўрсаткичларига эриша олмадилар.

**Кейинги уч йил мобайнида асосий экин турлари бўйича ширкат хўжаликларида эришилган ҳосилдорлик кўрсаткичи деҳқон хўжаликларига нисбатан 1,2-2,2 марта паст бўлди. Фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжаликлари ерларида эришилган ҳосилдорлик эса ширкат хўжалиги даврда эришилган ҳосилдорликка нисбатан 30 % юқори бўлган.**

Ширкат хўжаликларида пахта етиштириш рентабеллиги ҳам паст даражада. 2004 йил якунларига кўра республикамиз ширкат хўжаликларида 1393 минг гектар ерда пахта етиштирилган бўлиб, 1 гектар ерда пахта етиштириш учун 458,8 минг сўм харажат қилинган. 1 тонна пахтанинг таннархи 222,7 минг сўмни ташкил қилган бўлса, сотиш нархи 193,2 минг сўм бўлди. Натижада рентабеллик кўрсаткичи манфий бўлиб, — 13,2 % ни ташкил қилди. Фермер хўжаликларида ўртача 1 ишловчи ҳисобига дон етиштириш кўрсаткичи ширкат хўжаликларига нисбатан 1,6 марта юқори бўлган. Фермер хўжаликларида 2001 йилда 1 ишловчи ҳисобига 399,3 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 1008,4 минг сўмни ташкил этган. Бу ширкат хўжалигига нисбатан 1,4 марта, деҳқон хўжаликларига нисбатан 1,6 марта кўпдир (2-расм). Ширкат хўжаликларидаги ердан фойдаланиш самарадорлиги эса деҳқон хўжаликларига нисбатан 11,3 марта паст бўлди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларининг фаолияти ширкат хўжаликларига нисбатан самаралироқдир. Ширкат хўжаликларининг самарасиз фаолиятига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири — уларда ҳақиқий мулкдорларнинг шаклланмаганлигидир. Ширкат хўжаликларининг 1,1 миллиондан ортиқ мулкий пай эгалари расман қишлоқ мулкдорлари сафига қўшилсаларда, уларда мулкдорлик ҳиссининг уйғониши, ташаббускор меҳнатга интилишнинг пайдо бўлишига эришилмади. Нафақат оддий аъзолар, балки ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам пайчилик усули мазмун-моҳиятини тўла англаб етмадилар. Лоқайдлик кайфияти бартараф этилмади ва ширкат хўжалиги раҳбарлари ҳам ушбу ҳолатдан жиддий ташвишга тушмадилар. Бошқарув фаолияти устидан хўжалик аъзоларининг кучли назорати ўрнатилмаганлиги, ўзлаштиришнинг умумийлиги ва мулкдан келадиган даромаднинг деярли мавжуд эмаслиги натижасида ширкат хўжаликлари фаолиятининг асосига қўйилган механизмлар яхши ишламади.

*Турли хўжалик юритувчи субъектларда 1 ишловчи ишлаб чиқарган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (минг сўм)*

**2-расм**




Фермер хўжаликларида эса мулк эгалари қариндош-уруғлик ришталари билан боғланган кишилар гуруҳи эканлигини кўришимиз мумкин. Улар биргаликда меҳнат қилиш билан бирга хўжаликни бошқариш, режалаштириш ва хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадни тақсимлаш қарорларини ҳам биргаликда қабул қиладилар. Лекин ширкат хўжаликларидан фарқли равишда фермер хўжаликларида ягона, самарали қарорга келиш осон. Фермер хўжалигининг фаолият натижалари унинг аъзолари учун аниқ ва равшан бўлиб, улар хўжалик фаолиятини тўла ўз назоратига оладилар. **Фермер хўжалиги ўзи етиштирган маҳсулотни тўлақонли эгаси бўлиб (шартнома бўйича давлатга топширилиши лозим бўлганларидан ташқари) уни тасарруф қилиш йўлларини ўзи белгилайди.**

Юқоридагилар шундан далолат берадики, фермер хўжаликларида адолат тамойиллари яхшироқ таъминланганлиги билан бирга, манфаатдорлик ҳам юқори. Шу боис ҳукумат қарорларига асосан паст рентабелли, зарар билан ишлаётган ҳамда истиқболсиз ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиш ва улар ўрнида янги фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнини муваффақиятли ўтказишнинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналари (ширкатлар) ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 215-қарори ушбу йўналишда илгари қабул қилинган ҳукумат қарорларининг мантиқий давоми сифатида, фермер хўжаликларининг жадал ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қарорда ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларига даъвогарларни аниқлашда холисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очиқ ва ошкора танловлар ўтказиш, фермерларга хизмат кўрсатиш бўйича бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва уларни телевидение ва оммавий ахборот воситаларида ёритишга катта эътибор қаратилган.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ташкилий жиҳатларига бундай чуқур эътобор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Чунки бугунги кунда узоқ муддатли ижарага ер участкасини олиб фермер хўжалигини ташкил этиш ва мулкдорлар сафига қўшилиш истагини билдирганлар талайгина. Юқоридаги қарорга мувофиқ, **2006 йилда 428 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиб, улар ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари тузилиши кўзда тутилган.** Ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликларидаги ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияларига 30 мингдан ортиқ даъвогардан ариза тушган. Демак, барча даъвогарларни фермерларга айлантиришнинг имкони йўқ. Лекин уларнинг барчаси учун тенг шароитлар яратиб, адолат тамойиллари асосида уларнинг энг муносибларини танлаб олиш жуда муҳим.

Олдинги йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, жойларда фермер хўжаликларини ташкил этишда даъвогарлар ўртасида ошкора танлов талабларига риоя қилмаслик, ғолибларни аниқлашда холисликни таъминланмаслик ҳолатлари ҳам учради. Бунинг натижасида фермерлар орасига деҳқончилик сирларини билмайдиганлар ҳам қўшилиб қолди. Ачинарлиси шундаки, бундай «тасодифий фермерлар» унумли ерларга эга чиққани ҳолда шартнома мажбуриятларини бажаришга мутлақо бефарқлик билан қараб, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарасиз фойдаландилар. Бу мамлакатимизнинг экин майдонлари чекланганлиги шароитларида йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат. Ваҳоланки ушбу ер участкалари ўзининг ҳақиқий эгасини топганида эди, қайта ишловчи саноат хомашёси янада ортган ва халқимиз дастурхонига янада кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб берилган бўлур эди.

Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш нафақат иқтисодий аҳамиятга молик, балки ижтимоий натижалари билан ҳам муҳимдир. Ушбу жараён натижасида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ва қишлоқ мулкдорларининг таркибий ўзгариши юз беради. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ўртача ҳар бир тугатилаётган ширкат хўжалигининг ерларида 35 та фермер хўжалиги ташкил этиш имкони бор. Ширкат хўжаликларида ўртача 759 та мулкий пай эгаларининг мавжудлигини инобатга олсак, фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан ҳар бир хўжаликдан ўртача 724 кишини, 2006 йилда фермер хўжаликларига ўзгартирилиши лозим бўлган жами хўжаликлардан эса 309 мингдан ортиқ кишини янги иш жойлари билан таъминлаш керак бўлади. Уларнинг бир қисми ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил этилажак фермер хўжаликларига ёлланишлари табиий ҳол. Демак, бўлажак фермернинг тадбиркорлиги, ўз касбини яхши билиши, билими, тажрибаси ва уқуви, хуллас, унинг фермер деган номга қай даражада муносиблигидан нафақат ўз оиласи ва яқинлари, балки кўп сонли ёлланма ишчилар ҳам манфаатдордир. Ундан ташқари фермер хўжаликлари қишлоқдаги ижтимоий инфраструктуранинг ривожланишида ҳам ўз ўрнига эга.

Кўриниб турибдики, фермер хўжалиги дегани ҳавасмандлик билан ер участкасини ва фермер деган номни олиш эмас, балки катта масъулият ва жавобгарликни олиш демакдир.

Шундай экан, бугунги кунда фермерликка даъвогарлар ичидан муносибларини танлаб олиш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва яна нималарга эътибор қаратиш лозим?

Жойларда ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил қилиш комиссиялари билан бир қаторда жамоатчилик Кенгашлари ҳам тузилган. Ушбу Кенгашлар таркибига қишлоқ фуқаролари йиғинлари, оқсоқоллар ва деҳқончиликда юқори тажрибага эга бўлган фаоллар киритилган. Улар танловга бевосита алоқадордир. Комиссия суҳбатидан ўтган даъвогарлар тўғрисида жамоатчилик Кенгашларининг фикри ҳам инобатга олинади. Кенгаш аъзолари таркибига эътибор бериб, айтиш мумкинки, улар ҳар бир даъвогарнинг шахси билан у ёки бу даражада таниш бўлиб, ҳаққоний хулоса чиқаришга қодирдир. Шуларни ҳисобга олганда Комиссия ва ундан сўнг жамоатчилик Кенгашининг ижобий хулосасини ололмаган даъвогарда норизолик кайфияти қолмаслиги аниқ.

Ундан ташқари ушбу жараённинг қандай амалга оширилишини жойларнинг ўзида кузатиш учун жамоатчилик гуруҳлари шакллантирилди. Ушбу гуруҳлар таркибига тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг юқори мансабдор шахслари киритилган бўлиб, улар танловларнинг мазмун-моҳиятини маҳаллий аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, унинг устидан бевосита назоратни таъминламоқдалар. Улар қайта ташкил қилиш комиссиялари фаолияти билан яқиндан танишиш, танловга тайёргарлик жараёнининг боришини кузатиш, унга масъул шахсларнинг сидқидилдан ёндашувини баҳолашга ваколатлидирлар.

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича танловларнинг тўлақонли ўтиши учун зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга ушбу жараённинг юқори савия ва адолат тамойиллари асосида ўтказилиши учун қуйидагиларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Авваломбор танловнинг барча босқичлари даъвогарлар учун мавҳум бир жараён эмас, балки ошкора, ҳаққоний танлов бўлишига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун комиссия аъзоларидан жамоатчилик билан ишлаш учун керакли малака ва тажрибага эга бўлган алоҳида масъул шахс белгиланиши ва унинг ихтиёрида танловдан манфаатдорларни қизиқтириши мумкин бўлган барча ахборотнинг мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ушбу танловларда иштирок этишга ҳақли бўлган хўжалик ҳудудида яшовчи барча шахсларни ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун зарур шароитларни яратишга маҳаллий ҳокимият томонидан барча чоралар кўришни кучайтириш керак. Танловга даъвогарлардан ҳужжатларни қабул қилишда ортиқча расмиятчиликка йўл қўймаслик зарур. Шу билан бирга қабул қилинаётган ҳужжатлар савияли, ундаги маълумотлар ҳаққоний ва тўлиқ бўлишига эътибор қаратиш ва бундан биринчи навбатда даъвогарларнинг ўзлари манфаатдор эканликларини тушунтириш лозим.

Комиссия аъзоларидан бирининг бирор бир даъвогарга зимдан хайрихоҳлик билан қарор қабул қилишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Ҳужжатларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши мобайнида ва тегишли қарор чиқаришда аъзоларнинг овоз беришда тўлиқ қатнашишини таъминлаш зарурий шарт ҳисобланади.

Айниқса жамоатчилик кенгашлари ушбу масалаларга бефарқ қарамасликлари керак. Кенгаш аъзолари маҳаллий аҳолининг танлов жараёнига муносабатини ўрганиши, қолаверса уларни ушбу жараёнда фаол иштирок этишга жалб қилишлари муҳим. Шу билан бирга аввалги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, қайта ташкил қилиш жараёнини шошма-шошарлик билан, расмиятчилик учун ўтказиш ҳолатларига йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келади. Шу боис танловнинг сони эмас, балки унинг савияси бу иш учун мутасадди бўлган раҳбарлар диққат марказида туриши лозим.

Олиб борилаётган чора-тадбирларни тўғри ташкил этиш ернинг ҳақиқий эгаси бўладиган фермерга танлов жараёнининг ҳаққоний тарзда муваффақиятли якунланиши, охир оқибатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада жадал ўсиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига асос бўлиб хизмат қилади.

***Маҳмуджон АСҚАРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси***
***Давлат мулки***
***қўмитаси раиси***

---

**ЎзХДП янгиликлари**

# ИСТИҚБОЛ — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК

Уни таъминлаш учун эса ҳар биримиз фаол бўлишимиз, сиёсий, ҳуқуқий онгимизни доимо ошириб боришимиз керак, — дейишди Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти таъсис конференцияси иштирокчилари

Конференцияда Тошкент вилоятининг барча туман, шаҳарларидан энг фаол ёшлар — делегатлар иштирок этишди. Аввало, шуни таъкидлаш кераккки, ЎзХДП аъзоларининг 30 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Партиянинг янги Дастурида ёшлар масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шулардан келиб чиқиб, партия қошида бугун «Истиқбол» ёшлар қанотини ташкил этилмоқда. «Истиқбол» замон билан ҳамнафас қадам ташловчи Ўзбекистон ХДП аъзолари ҳамда партия ғояларига хайрихоҳ бўлган 18 ёшдан 30 гача бўлган ёшларни бирлаштиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова ёшлар қанотини тузишга туғилган эҳтиёж, сиёсий партия қошида ёшларни бирлаштиришнинг имкониятлари, бу сиёсий кучнинг ёшлар масалаларига муносабати ҳақида гапириб берди. ЎзХДП Марказий Кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи раҳбари Суҳроб Исмоилов эса ёшлар қанотининг асосий мақсад-вазифалари, фаолият йўналишлари ҳақида тўхталди. Бу масалалар делегатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида кўтарилган масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Орамизда баъзан учрайдиган лоқайдлик, бепарволик иллатларига қарши курашиш, ёшларда давлат ва жамоат ишларида фаол қатнашиш ва дахлдорлик масъулиятини шакллантириш, тараққиёт йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш «Истиқбол»нинг асосий вазифаларидан бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, демократияни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилиш ҳаракатларига ёшлар ўз муносиб жавобларини бериши кераклиги айтилди.

**Зироҳат ШОМАЛИКОВА, Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежи инглиз тили ўқитувчиси:**

— Халқ демократик партиясининг ёшлар қанотини тузиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлайман. Лекин у шунчаки тузилиб, номи бор-у ўзи йўқ бўлиб қолмаслиги керак. Бугун қишлоқларимизда афсуски, ишсиз ёшлар бор. Масалан, бизнинг коллежимизда 700 нафар атрофида талабалар ўқиётган бўлса, уларнинг барчаси ўқишни тугатиб, ўзининг муносиб йўлини топиб кетаяпти деб айтиш қийин. Ўйлайманки, «Истиқбол» ёшларни янада бирлаштириб, мақсад сари олға интилаверади.

**Санжар САИДОВ, Тошкент давлат аграр университети талабаси:**

— Бугун жамиятимизда таниш-билишчилик каби баъзи иллатлар йўқ эмас. Биз, ёшлар ЎзХДП қошида бирлашиб, жипслашиб, шунақанги иллатларнинг бизга ва кейинги авлодларга ўтмаслигига ҳаракат қилишимиз керак. Орамиздан етишиб чиқаётган истеъдодларни асраб-авайлаб, уларни қўллаб-қувватлаб, ўзаро аҳиллик, бардамлик ва дўстлик орқали интилишларимизни амалга оширишимиз зарур, деб ўйлайман.

**Нилуфар ХОНАЗАРОВА, Олмалиқ қурилиш касб-ҳунар коллежи ходимаси:**

— Биз ёшлар жамиятимизнинг барча соҳаларида фаол бўлишимиз керак. «Истиқбол»ни тузиш ташаббусининг кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланиши тенгдошларимнинг жамоат ишларида нақадар фаоллиги ва сиёсий онглари юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши қошида «Истиқбол» ёшлар қанотини тузишга якдиллик билан қарор қилинди. Делегатлар орасидан унинг раҳбар органлари ва қанотнинг республика қурултойига делегатлар сайланди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

---

# ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Жамиятни демократик янгилаш, иқтисодиётни эркинлаштириш инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш билан узвий боғлиқ масала. Дарҳақиқат, ҳақ-ҳуқуқнинг поймол бўлиши демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларга энг катта тўсиқ ҳисобланади.

Бухоро вилоят адвокатлар ҳайъатида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини тўлароқ ҳимоялаш мақсадида ҳуқуқий ҳимоя маркази иш бошлади. 4 нафар малакали адвокат фаолият кўрсатаётган марказда фуқароларга малакали юридик ёрдам бериш, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича аҳолига бепул хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

**(Ўз мухбиримиз)**

# БАЙРАМ ТУҲФАСИ

**ТЕРМИЗ. (ЎзА мухбири Чори Тўхтаев).** Янги йил арафасида давлатимизнинг жанубий сарҳадларини қўриқлаётган чегарачилар ҳаётида муҳим янгилик юз берди.

Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмнинг офицер ва контракт асосида хизмат қилаётган чегарачилардан бир гуруҳига тантанали равишда янги уйнинг калитлари топширилди. 196 миллион сўм эвазига қуриб битказилган икки қаватли замонавий турар жойда барча қулайликлар мавжуд. Янги уйга жойлашган ҳарбий хизматчилар бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуратов иштирок этди.

---

**Орамиздаги одамлар**

# ШОГИРДЛАР ТИЛАГИ

Қодир домла юзлаб шогирдларига устозлик қилиб келаётган таниқли, тажрибали тарихчи олимлардан.

У иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, ҳозирги Ўзбекистон миллий университетига ўқишга кирди. Орадан йиллар ўтиб, унинг қобилиятини илғаган устозлари шу ерда ўқитувчилик қилишини маслаҳат беришди. Кўп ўтмай номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, доцент унвонига эга бўлди. Узоқ йиллар университетда ёшларга тарих сирларидан сабоқ берди.

— 55 йилки, муаллимман, — дейди у. — Мамлакатимизнинг қай бурчагига бормай шогирдларим бор...

Дарвоқе, домла менга ҳам дарс берганлар. Не бахтки, саксон ёшни қаршилаётган устозим билан елкама-елка ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Тошкент Давлат юридик институтида «Ўзбекистон тарихи»дан дарс бериб келаяпмиз.



Қодир Эрназаров бир неча йилдирки, жамоатчилик асосида шаҳримиздаги «Хоразм» маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи ва шу йиғин қошидаги «Нуроний»лар сардори Олий таълим аълочиси. ЎзХДПнинг фаол аъзоларидан. Кўксини мустақиллик йилларининг «Жасорат» медали безаб турибди.

Биз, кўп сонли шогирдлари олим ва мураббий домламизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

***Ўткир АМИРОВ,***
***тарих фанлари номзоди***

Муносабат

# ЖАМОЛИНГ МУБОРАК, «ЁШЛИК»!

## ТОШКЕНТДАГИ ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИБ КЎНГИЛДАН КЕЧГАН ГАПЛАР



Бир вақтлар талаба бўлганлар шу кунларда қадрдон талабалар шаҳарчасига бордими, йўқми, билмадим, лекин борган бўлса, «ўша-ўша ва ўша эмас» масканни кўриб таниёлмай қолишига ишончим комил. Уни қўйинг, ҳатто узоқ йиллар бу ернинг ҳавосидан нафас олган, олий ўқув даргоҳларида ишлаган, яқин атрофда яшаган биз сингари одамлар ҳам қисқа муддат ичида шаҳар ичра бир шаҳарчанинг сурати, сийрати тамом ўзгариб, яшнаб кетаётганини кўриб лол қолиб, ғурурга тўлиб турибмиз.

Ярим аср муқаддам бу ерлар кўргазмалар шаҳарчаси учун мўлжалланган, хамир учидан патир сифатида ҳозирги спорт мажмуаси биноси қурилган, кейинчалик режа ўзгариб кетган экан. (Илгари бу ерлар «Выставочный», «Вузгородок» деб аталарди). Бир пайтлар шу яқин атрофда энг савлатли бўлган ушбу кулранг бино бугунги кунда бири-биридан ёрқин, чиройли, маҳобатли ётоқхоналар пойида мунғайиб қолди.

Қадрдон таҳририят «бир нарса ёзиб берсангиз», дея илтимос қилгач, шу заҳоти талабалар шаҳарчасига йўл олдим.

Тўғриси, мамлакатимиз раҳбарининг бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида бир гуруҳ талабалар билан учрашувини телевизорда кўриб, ҳаяжонланиб тургандим.

Миллий университетимизнинг бири биридан кўркам, ҳашаматли, бинолари ётоқхоналарига тикилиб, ич-ичимдан қувонаман, фахрланаман... Биноларни ташқи кўриниши дид билан безатилган, ранг берилган саккиз ётоқхонадан қайси бирига кирсам экан? Келинг, мана бу матбуот дўкони, шаҳарлараро телефон пункти ёнидагисига кира қолайлик. 4-ётоқхона эшиги олдида очиқ чеҳрали аёлга дуч келдим. Саломлашгач, дорилфунунда ўттиз йил ишлаганим, бу ерларда кўп бўлганимни, таниш жойларни таниёлмай турганимни айтиб, «кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, адашмасам, шу ётоқхонанинг коменданти бўлсангиз керак», — дедим. «Ҳа, 14 йилдан бери талабалар шаҳарчасида ишлайман. Айтбоева Зарифа Сабуровнаман, — деди. Кейин жилмайиб: Бошлиқ дейсизми, бошқа сўз топасизми, фақат комендант демайлик энди. Кеча эшитдингиз-ку Президентимизнинг ётоқхона казарма эмас, деган сўзларини. Бу талабалар турар жойи, бизлар мутасаддилари, хизматчилари».

Зарифа Сабуровна физиклар, тарихчиларга аталган ётоқхона ҳақида аввал мароқ билан ҳикоя қилди, кейин таништиришга ўтди. Эшик олдида, ўнг томонда оёқ кийим артиладиган, ювиладиган жой, жўмракни очсангиз иссиқ, совуқ сув келади, ичкари кирилгач, чап томонда пойабзал ечиб, алмаштириладиган хонага киритлади. Ҳар бир талаба учун алоҳида мўъжаз қутичалар, иккита калити бор, бири талабада, иккинчиси ётоқ маъмуриятида туради, талаба қутичасини очиб, пойабзалини қолдириб, чиройли патли шиппакча кийиб хонасига чиқади. Тўр томонда қизларники, берига томонда йигитларники. 521-қутичани очиб кўрдик, физика факультети талабаси Аралов Нуралига тегишли экан. Йўлаклар ва хоналардаги чиройли гиламларда нотоза пойабзал билан юриб бўлмайди ахир. Худди музейлардагидек шинам, озода. Ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик янгилик. Кириш эшиги қаршисида каттагина хона, тухумсимон шаклда ўрнатилган залворли столларда янги газета, журналлар, экрани катта телевизор, ўттиз-қирқта ҳашамли стуллар. Бу ерда йиғилиш, учрашувлар ўтказилади. Биринчи қаватда талабалар яшайдиган 12 та хона. Юқори қаватларда 24 тадан хона. Хоналар икки кишилик. Иккита диван, иккита стол (чиройли стули билан), умумий стол, полда гилам, кийимлар учун шкаф, чиройли, ялтироқ, синмайдиган ҳинд кружкалари, коса, қошиқлар. Деразада қимматбаҳо жалюз. Ҳар қаватнинг икки тарафида душ, иссиқ ва совуқ суви билан. Яна махсус кир ювадиган хоналар...

Иккита ошхона, музлатгичи, қўшгаз плитаси билан. Миллий таомлар учун ялтироқ манти қосқон, палов, шўрва, тухум пишириш учун катта-кичик қозон, кастрюллар, чойнак, лаган, коса, қошиқ, хуллас турмуш учун нимаики керак бўлса, ҳаммаси муҳайё.



Махсус спорт зали, турли тренажёрлар, кураш тушадиган гиламлар. Замонавий компьютерлар ўрнатилган махсус хона... Ётоқхона соҳиби, талабалар кенгаши раиси учун хос хоналар. Қимматбаҳо, юмшоқ диван, креслолар билан жиҳозланган яна бир, каттагина хона ижодий мулоқотлар учун ажратилган.

— Бино биқинидаги мана бу эшик ногирон талабаларнинг аравада кириб чиқиши учун, — деди Зарифа Сабуровна. — Бу хонани эса изолятор деймиз. Тоби қочиб қолган талаба шифокорлар келиб муолажа қилгунча ё касалхонага олиб кетилгунча алоҳида сақлаб, дастлабки ёрдам кўрсатиб туриладди.

— Вилоятлардан талабаларнинг ота-оналари кўришга келиб қолишса қаерда жойлашишади, арзонгаров меҳмонхоналар кам бўлса, қиммат баҳолиларига қурби етмаса, — сўрайман қизиқиб.

— Йўқлаб келган ота-оналарни жойлаштириш масаласи ҳам кўриляпти, рўйхатдан ўтиб пулини тўлашса жой берилади.

Ўн йил муқаддам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таклиф-тавсияси асосида устоз олим Ғайбуллоҳ ас-Салом билан ҳамкорликда «Толибнома» номли китоб битган эдик, бир неча боб, жумладан, «Аҳволинг қалай, ётоқхона?» боби каминанинг зиммасига тушган эди. Агар ётоқхонанинг забони бўлганда эди, ўшанда секин овозда «бир нав» деб жавоб берармиди. Агар ҳозир сўраса «бош бармоғи»ни кўрсатиб «Аъло!» деб жавоб беради. Миллий университетнинг бошқа етти ётоқхонаси ҳам худди шундай зўр таъмирланган, жиҳозланган.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасини катта кўча кесиб ўтган, берига томонда Миллий университетнинг, нариги тарафда Техника университети, бошқа ўқув юртлари ётоқхоналари жойлашган. Кўчанинг нариги томонида ҳам таъмирлаш, қуриш, ободонлаштириш ишлари жадал кетяпти.

Президентимиз 27 декабрда «Ёшлик» шаҳарчасидаги учрашувда талабани қизиқтира билиш кераклигини, унга зўрлик билан, мажбур қилиш йўли билан билим бериб бўлмаслиги, аввало қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, шахсий ибрат, фидойилик зарурлигини алоҳида таъкидлади.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг тамом янги қиёфа касб этгани, ҳавас қилса арзигулик шароит, қулайликлар ушбу масканда жойлашган олий ўқув юртларига қизиқишни кучайтириши табиий. Айни чоғда бу катта меҳнат, эътибор келгусида албатта ўз самарасини беради.

Биз биламиз, талабаларимиз ҳам яхши билишади, бу ишларнинг ташаббускори, қурилишлар меъмори Президентимизнинг ўзи. Гувоҳларнинг айтишича, энг кичик масала ҳам унинг эътиборидан четда қолмаган.

Мен ёши 60 дан ошган бир инсон, ёшларнинг мураббийи сифатида бугунги талабаларимизга айтадиган гапим шуки, бу имкониятларни юксак қадрламоқ, улардан самарали фойдаланмоқ зарур. Биз биламиз бу ерлар бундан 14 йил олдин қандай аҳволдалигини. Ўша давр талабалари ҳозирги шароитларни кўрса, қайтадан ўқигилари келиши табиий.

Аммо, Юртбошимиз айтганларидек, бугунги ёшлар узоқ-яқин тарихимизни, кечаги кунларни яхши билишлари керак. Ўшанда бугунги шароитларнинг қадрига янада чуқурроқ етишади, масъулият юкини теранроқ ҳис этишади.

Бугун ҳаяжонларимни жиловлаб ололмаяпман. Шу юрт фарзанди сифатида хурсандман, бахтиёрман, миннатдорман...

Янги қиёфанг муборак, «Ёшлик» шаҳарчаси!

Эҳ, қанийди ёшлигим қайтиб, талаба бўлсаму шундай гўзал, обод шаҳарчада яшасам, ўқисам!..

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

***Суратларда:*** *талабалар ётоқхонасидан лавҳалар.*

Таълим ва ислоҳот

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ:
# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

**Президентимиз шу йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида асосий узоқ муддатли стратегик вазифа – демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан изчил, қатъият билан боришдан иборатлигини таъкидлаб, жамоатчилик ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича биринчи проректори, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ билан суҳбатимиз шу масалалар ижроси хусусида бўлди.**

**— Домла, маълумки, бугунги ёшларда ижтимоий фаолликни ошириш, уларни юртимиз эртанги ҳаёти ва тақдири учун маъсул қилиб тарбиялашда олий ўқув юртларидаги жамоат ташкилотларининг роли ва аҳамияти ниҳоятда катта. Бу борада Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Аввало, фарзандларимизда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни эртанги ҳаётимизга масъуллик руҳида тарбиялаш мустақил юртимизнинг асосий устувор мақсадларидандир. Бинобарин, мамлакатимизда рўй бераётган улкан янгиланишлар жараёнида таълим муассасалари, оила ва жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатлигига эришиш ёшларимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи — сифат босқичи асосий кўрсаткичи тизим самарадорлигига эришиш билан белгиланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кейинги икки йилдаги фаолиятини кузатадиган бўлсак, бу борада талай ижобий натижалар қўлга киритилди. Вазирликнинг олий ўқув юртларида баркамол шахсни тарбиялаш ишларини тизимли асосда ташкил қилиш ҳақидаги қатор буйруқлари натижасида миллий истиқлол ғоясини барча фанлар мазмунига сингдириш, қолаверса, талабаларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муайян силжишлар рўй берди. Олий таълим тизимида мураббийлар фаолиятининг тубдан ислоҳ этилиши, эски қолиплардан воз кечилиб, устоз-шогирд анъаналари замонавий тизими жорий этилиши ёшларимизни мустақиллик қадриятлари руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мураббийларнинг таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари ота-оналар, жамоат ташкилотлари ҳамда таълим муассасаларининг маънавий-ахлоқий тарбия ишларида асосий бўғин вазифасини ўтамоқда. Биргина университетимиз мисолида айтадиган бўлсам, ташкил этилган устоз-мураббийлар кенгаши томонидан бугунги кунда талабалар уйлари ҳамда ижарада яшовчи ёшларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доимий тарзда ўтказиб келинаётган «Ота-оналар куни» эса мазкур бўғинлар ҳамкорлигига замин яратиб, талабаларимизга тегишли муаммоларни ўрганиш ҳамда уларнинг мустақил ҳаётга бўлган қарашларини бойитишда катта қадам бўлаётир.

Маълумки, маънавий-ахлоқий тарбияни ноанъанавий усуллар, дебат клублари, тўгарак, турли учрашув ва суҳбатлар воситасида амалга ошириш таълим-тарбиянинг изчил тизимини яратишда муҳим омил саналади. Талабалар онгу шуурига юртсеварлик, ташаббускорлик фазилатларини сингдириб, улар ижтимоий фаоллигини оширишда университет қошидаги «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти ҳамда маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида амалга оширилаётган турли тадбирлар, айниқса муҳим ўрин тутмоқда.

Университет хотин-қизлар кенгаши ҳам бу йўналишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу кенгашнинг талаба-қизлар тиббий саводхонлигини ошириш, уларни оналикка руҳий-физиологик жиҳатдан тайёрлаш бўйича олиб бораётган амалий ишларини «Сирдош», «Ёш келин-куёвлар», «XXI аср қизлари» клублари фаолиятида яққол кўриш мумкин.

**— Мамлакатимизни модернизация қилиш концепцияси «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойил асосида қурилган. Сизнингча, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда бу тамойилга нечоғли амал қилинмоқда?**

— Талабаларнинг таълим жараёнларидаги кенг иштирокини таъминлаш, «тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида уларнинг миллий истиқол ғояси, ҳуқуқий-сиёсий, маънавий-маърифий тарғибот ишларида ўзаро ҳаракатини ташкил этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятидаги асосий масалалардан биридир.

Жорий йилдан бошлаб барча олий ўқув юртларининг талабалар турар-жойлари ўзини ўзи бошқариш тизимига ўтди. Бунда ундаги маънавий ҳаёт талабалар кенгаши томонидан бошқарилади.

ЎзДЖТУда муқобиллик асосида сайланган мазкур кенгаш маънавий-маърифий аҳамиятга эга тадбирлар, спорт тўгараклари ташкил этиш билан шуғулланибгина қолмай, айни пайтда ёшларнинг маданий, ҳуқуқий-сиёсий тарбияси устида ҳам жиддий иш олиб бормоқда. Университет раҳбарияти томонидан ўтказиб туриладиган очиқ мулоқот тарзидаги учрашувлар эса талабалар кенгашининг фаолиятини холис баҳолаш имконини беради. Ушбу кенгаш талабалар турар-жойида яшовчи ёшларнинг ижтимоий муҳофазаси, ўзлаштириш кўрсаткичлари, мафкуравий дунёқараши, фазилату камчиликлари юзасидан университет раҳбарияти ва факультет деканлари билан расмий муомала ваколатига эга.

**— Бугунги ёшларимиз интеллектуал жиҳатдан турли даражада бўлганидек, уларнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий масалаларга муносабати ҳам турлича. Шундай экан, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?**

— Президентимиз Ислом Каримов куни кеча Тошкентдаги Талабалар шаҳарчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида бир гуруҳ талабалар билан суҳбат чоғида айтган гапларини диққат билан тингладим. Юртбошимизнинг ушбу фикрлари асосида ўз ишимизни қайта кўриб чиқишимиз лозим деб ўйлайман. Дарҳақиқат, бугун олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшларимизнинг кўпчилиги ташаббускор, иқтидорли ва ғайратли ёшлардан иборат. Уларнинг бир қисми сиёсий партияларнинг ёшлар қанотида, шунингдек, турли жамоат ташкилотлари таркибида фаол иштирок этиб келишмоқда. Иқтидорли талабаларимизнинг яна бир қисми ўз йўли ва услубларини кашф этишга ҳаракат қиладилар. Таъбир жоиз бўлса, уларни янги давр ташаббускор ёшлари дейиш мумкин. Бундай ёшларнинг ички имкониятларини юзага чиқариш, интеллектуал салоҳиятини юрт равнақига хизмат қилдириш, бунинг учун уларга керакли шарт-шароитларни яратиш муҳим вазифадир. Қувонарлиси, эндиликда олий таълим муассасаларида ҳам бу соҳада муайян ишлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, биз университетимизда «ЎзДЖТУ юлдузлари» клубини ташкил этганмиз. Мазкур клуб талабаларнинг ўзига хос мустақил уюшмаси бўлиб, дастлаб 30 га яқин иқтидорлилардан иборат эди. Бугунги кунда эса уларнинг сони юздан ошиб кетди. Клуб аъзолари бир неча секциялар, жумладан, маънавий-маърифий, сиёсий, ҳуқуқий маданият йўналишларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борадилар. Уларга барча техник жиҳозлар билан таъминланган алоҳида жой ажратилган.

Шу ўринда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ёшларимиз ички имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган мақсадли ҳаракатлари бугун ўз натижаларини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Иқтидорли ёшларни мустақил талабалар уюшмалари ҳамда клубларга жалб этиш орқали улар салоҳиятини умумдавлат манфаатларига хизмат қилдириш, мавжуд таҳдидларга қарши курашда ёшларимиз кенг иштирокини таъминлаш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Хусусан, «Ziyonet» тармоғининг ишга тушгани университетлараро алоқаларни янги босқичга кўтарибгина қолмай, клублар ва мустақил талабалар уюшмалари орасида ўзаро ҳамкорликни ўрнатишга ёрдам бераётгани қувонарлидир.

**— Сир эмаски, ёшларимиз орасида ҳануз ўз фикрига эга бўлмаган, дунёқараши шаклланиб улгурмаган қатлам ҳам мавжуд. Бундай тоифа ёшлар бугунги тезкор давримиз талабларига жавоб бера олиши учун нималар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?**

— Тўғри, улғайиб келаётган авлоднинг дунёқараши кўпроқ уларни қуршаб турган муҳит таъсирида шаклланади. Юқорида тилга олганимиз, жамоат ташкилотлари, оила ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик айни шу муҳитдаги соғлом тафаккур тарзини шакллантиришга қаратилган. Университетимиздаги маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар кенгаши ҳамда бир нечта мулоқот клублари ўз мазмун-моҳиятига кўра, муайян соҳа бўйича талаба-ёшларга зарур маълумотлар бериб боради. Масалан, «Дин ва дунё», «Жума оқшоми» клублари фаолиятини оладиган бўлсак, уларда диний мавзуда йиғилишлар, учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб борилади. Бу эса диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни қабиҳ кучларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги давр ва замон кишилар олдига ҳар қачонгидан-да тезкор фикрлашни, изланиш ва ташаббускорлик заруратини қўймоқда. Шундай экан, ёшларимиз ҳам биринчи галда давр билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишлари зарур. Ўзини жамиятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг иштирокчиси деб ҳисоблаши, Ватан тараққиёти ва ўз шахсий манфаатини уйғун ҳолда англамоғи лозим. Мухтасар айтганда, ўз вазифасига сидқидилдан ёндошадиган, изланувчан, ҳар ишда фаол, энг асосийси, Ватан ва халқ олдида ўзини бурчли деб ҳисоблайдиган фидойи ёшларгина келажаги буюк юртнинг истиқболини таъминлай оладилар.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**суҳбатлашди.**

Бунёдкорлик одимлари

# ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАР ҚУРИНГ

## бу йўллардан ўтганлар сизни алқаб дуо қилсинлар, — дейди «Жиззахавтойўл» ҳудудий шўъба ташкилоти директори Муродхон ҲОЖИХОНОВ





Дарвоқе, бугун мазкур ташкилот тасарруфида умум фойдаланувдаги 2543 километр автомобиль йўллари мавжуд. Иқтисодимизнинг қон томирларига қиёсланадиган йўлларнинг 168 километри халқаро, 1517 километри республика, қолгани эса маҳаллий аҳамиятга эга. Жами 1200 нафар ишчи-хизматчи ва муҳандис-техник ходимлар йўлларда бетўхтов ва бехатар автотранспорт қатновини таъминлаш, бунинг учун зарур даражада йўл қарови ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан банд. Биргина шу йилнинг ўтган ўн ойида мавжуд автомобиль йўлларини тўла, ўрта ва жорий таъмирлаш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш, кўкаламзорлаштириш, сақлаш ҳамда лойиҳа ишларига 4 миллиард 10 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, 190 миллион 865 минг сўм сармоя эса йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилди.

— Йўл азоби нима эканлигини йўл юргандан сўранг, — **дейди Жиззах шаҳрининг Қассоблик маҳалласида истиқомат қилувчи ҳайдовчи Ўктам Шукуров.** — Деярли ҳар куни Жиззах шаҳридан Дўстлик туманига қатнайман. Сир эмас, яқин-яқингача бу йўллардаги носозликлардан автоуловларда тезроқ ҳаракатланишнинг имкони бўлмасди. Анча-мунча вақтимиз беҳуда кетарди. Бундан фиғонимиз фалакка чиққан кунлар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам 52 километр узунликдаги бу йўлнинг замон талаби даражасида кенгайтирилиши ва тўлиқ таъмирланиши айни кўнглимиздаги иш бўлди. Ҳозир кенг ва равон йўллардан ўтаётганингда кўнглинг яйраб, яшнаб кетади. Биз-ку майли-я, йўловчиларнинг хурсандлигини айтмайсизми?

Бу ҳаммаси эмас. Вилоят йўлсозлари тасмадек текис йўллар қурибгина қолмай, мустаҳкам ва муҳташам кўприклар барпо этиш, шу тариқа айланма масофаларни қисқартириб, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон этиш тадбирларини ҳам кўришаяпти. Шу мақсадда яқинда «Жиззах — Чимқўрғон — Арнасой кўрфази» автомобиль йўлининг йигирма олтинчи километридаги Қили дарёси устида узунлиги 73 метр, кенглиги 13,2 метр бўлган янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.



— Муқаддам ушбу дарё устида эски, омонат кўприк бор эди, — **дейди Зафаробод туманида яшовчи меҳнат фахрийси Қаҳрамон Силлиев.** — Аммо, бундан ўн уч йил олдин келган катта сел уни бузиб юборганди. Натижада одамлар Зафаробод туманидан Форишга бориш-келиш учун айланма йўллардан юришга мажбур бўлишаётганди. Янги кўприкнинг қурилиши туфайли бу икки туман орасидаги масофа 56 километрга қисқарди, ноқулайликларга барҳам берилди. Бундан биз беҳад мамнунмиз. Кўприкнинг пишиқ-пухта қурилганини айтмайсизми?

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: аслида кимлар йўл қуради, кўприк солади? Бошқача айтганда, бу савоб амаллар бошида турганлар қандай одамлар?

— Нима десам экан, — **дейди Дўстлик шаҳарчасида истиқомат қилаётган Сорабек Қобулов.** — Менимча, яхши инсонлар, бошқаларга, элга, юртга нафим тегсин деганлар бу ишларни қилади. Чунки, йўллар ва кўприклар шаҳарларга қишлоқларни туташтиради, кишиларни кўзлаган манзилларига элтади, муродларини ҳосил этади. Шу маънода йўл қуриш хайрли ишлардан ҳисобланади бу ишнинг бошида турганлар эса кўпчиликнинг дуосини оладилар, катта савобга эга бўладилар.

Жиззахда эса отахон айтганидай, элнинг дуосини, кўпнинг олқишини олаётган, меҳнатлари билан обрў-эътибор топаётган йўлсозлар оз эмас. Бўстон автомобиль йўллардан фойдаланиш бошқармаси йўл қурувчи устаси Неъмат Жабборов, Ғаллаорол автомобиль йўллардан фойдаланиш бошқармаси йўлсозлар бригадаси етакчиси Зокир Ёқубов, Жиззах тумани автомобиль йўллардан фойдаланиш бошқармаси автогрейдерчиси Мардон Мирзаев, йўл қурувчи уста Муҳиддин Расуловлар шундайлар сирасидан. Улар нафақат йўл ва кўприкларни таъмирлаш, балки сақлаш, кўкаламзорлаштириш каби ишларда ҳам кўпларга намуна бўлишаётир. Хусусан, жорий йилда йўл четларига 70 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишдек хайрли ташаббуснинг бошловчилари ҳам аслида шулар эди.

Айни пайтда шўъба ташкилотга қарашли Сайқалтош саралаш ва асфальт-бетон қоришмаси тайёрлаш корхонаси ҳамда Жиззах, Ғаллаорол ва Фориш асфальт заводлари тўла қувват билан ишлаб турибди. Бундай ёрдамчи ишлаб чиқариш корхоналарида ўн ой ичида 26260 тонна асфальт-бетон қоришмаси, 26840 кубометр чақилган тош ишлаб чиқарилди ҳамда улардан йўлларни таъмирлаш, янги йўллар қуриш ишларида фойдаланилди.

— Одамзод бажараётган бунёдкорлик ишлари орасида йўл қуриш, кўприк солиш алоҳида қиймат ва аҳамият касб этади, — **дейди «Жиззахавтойўл» ҳудудий шўъба ташкилоти директори Муродхон Ҳожихонов.** — Тўғри, олдинлари ҳам йўллар ва кўприклар бўлган ва улардан кишилар фойдаланишган. Аммо, Мустақиллик туфайли, Юртбошимизнинг алоҳида эътиборлари билан мамлакатимиздаги йўллар халқаро андозаларга мос, кенг ва равон, кўприкларимиз эса тобора муҳташам кўриниш касб этаяпти. Ўзбекистонда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган Дастури ишлаб чиқилаётгани ҳам бу борадаги ишларнинг янги, янада юқори поғонага кўтарилишидан дарак беради. Энди нафақат магистраль автомобиль йўллари, балки маҳаллий аҳамиятга молик бўлган йўлларда ҳам замонавий таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шуни назарда тутган ҳолда келгуси йили йўл қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, қишки қаров, жиҳозлар, йўллар четини кўкаламзорлаштириш сингари ишлар учун 10 миллиард сўмдан кўпроқ сармоя ажратилмоқда. 1975 йилдан бери тўхтатиб қўйилган «Ғаллаорол — Тошкент» магистраль йўлининг тоғдан ўтган қисмида 2 миллиард 700 миллион сўмлик, Сангзор дарёси устидаги янги кўприк қурилишида 650 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай юмушларни бажариш орқали биз, энг аввало, транспорт қатновини қулайлаштирамиз, қолаверса, одамларнинг қимматли вақтларини тежашга, уларнинг узоғини яқин қилишга, шу тариқа фуқароларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз, деган фикрдаман.

...Йўлсозларнинг юмушлари йил бўйи давом этади. Уларнинг ташвишлари ёзда ҳам, қишда ҳам тугамайди. Айни қишли-қировли кезларда эса бор йўл техникаси, механизмлар, ишчи кучлари, ёрдамчи воситалар автомобиль йўлларида транспорт қатновининг бир зум ҳам тўхтаб қолмаслиги, унинг туну кун бехатар кечишини таъминлашга йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, йўллар ва кўприк қурувчилар, уларга қаровчилар, мутахассислар назаридан, эътиборидан четда қолган бирор чақирим йўл, биронта кўприкни тополмайсиз. Бунга жавобан, ушбу йўллардан автоуловда ёки пиёда юрган, кўприклардан ўтган одамлар уларни барпо этганларга, ҳозир эса заҳмат чекиб қаровини юритаётганларга, лозим пайтда таъмирлаётганларга, йўлсоз деган номга муносиб иш тутаётганларга раҳматлар айтадилар, алқаб-улуғлайдилар.

**Фарруҳ ҲАМРОЕВ,**
**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбирлари**

***Суратларда:*** *«Жиззахавтойўл» ҳудудий шўъба ташкилоти директори Муродхон Ҳожихонов; вилоят ҳудудидаги аксарият автомобиль йўллари шундай замонавий кўриниш касб этган.*

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

**Солиқ, бурч ва имтиёз**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлари соҳани ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди.**

**Хўш, бугун бу йўлда жойларда қандай ишлар қилинмоқда?**

**Тошкент шаҳар, Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Акбаржон МЎМИНЖОНОВ ва шу инспекция бош давлат солиқ инспектори Олимжон ИСАЕВ мухбиримиз билан суҳбатда юқоридаги саволларга қуйидагича жавоб қилдилар:**

# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ЙЎЛ ОЧИҚ

## ЁКИ СОҲАГА ОИД ЯНГИ ФАРМОНЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ХУСУСИДА

— **«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзлари бериш ва уларни тўлашда қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан сўнг, 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Мактаб жамғармаси сингари мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

— **Фоизлари билан аниқроқ шарҳлаб берсангиз?**

— Агар микрофирмалар ва кичик корхоналар аввал жами қўшиб ҳисоблаганда 15,2 фоиз — ягона солиқ (12%), Пенсия жамғармасига (0,7%), Республика йўл жамғармасига (1,5%), мактаб фондига (1,0%) мажбурий ажратмалар тўлаган бўлсалар, энди жами 13 фоиз ягона солиқ тўлови тўлашаяпти. Демак, ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юки 2,2 фоизга камайди. Ундан ташқари, кичик бизнес субъектлари 4 хил солиқ ва тўловлар ўрнига энди битта солиқ тўлови тўлашаётгани муносабати билан солиқ ҳисоб-китоблари енгиллашди...

— **Кўпинча кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларининг биринчи йилида олган кредит ва қарзларини қайтаришда, айланма маблағ топишда, ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда қатор молиявий мушкулотларга дуч келишади. Айтингчи, уларнинг вазиятдан чиқиб кетишлари учун юқорида таъкидланган Фармонда қандай имтиёзлар берилган?**

— Фармонда янги ташкил топган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш муддати бир йилга кечиктирилиши белгилаб қўйилди, — дейди **О.Исаев.** — Мана шу имтиёзнинг ўзиёқ, тадбиркорлар ўз ишларини йўлга қўйиб олишлари, айланма маблағини тўплашга улгуришлари ва натижада, шулар эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтиришлари учун имкон беради. Табиийки, бунда тадбиркорлар рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда товар чиқариш ва хизмат кўрсатиш бозоридан ўзига муносиб ўрин топади.

— **Аксарият тадбиркорлар қайд этилган фармон ва қарорларга қадар мавжуд бўлган статистик ҳисоботлар бериш тизимининг мураккаблигидан нолигандек бўлишарди... Ҳозир-чи..?**

— Бу муаммо ҳам **«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»**ги қарорда ўз ечимини топди. Масалан, июль ойининг бошидан бошлаб, микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ органларига илгаригидек ҳар ойда эмас, балки ҳар чоракда бир марта тақдим этади. Бу тартиб ҳам эндиликда — тадбиркорнинг солиқ идорасига бўзчининг мокисидай неча бор қатнашига, бошқарув органларига қўшимча ахборотлар беришига ва қанчадан-қанча ҳуда-беҳуда вақт йўқотишларига ҳамда ўринли-ўринсиз асаббузарликларга барҳам бераяпти...

— **Фармон ва қарорларнинг тумандаги ижроси тўғрисида бироз тўхталсангиз.**

— Қисқароқ айтсам, ўша муҳим ҳужжатлардан кейин туманимизда 720 та корхона рўйхатга олинди. Шундан ҳозир 68 таси фаолият юритмаяпти. Демак, ана шу 68 тасига боя сиз айтгандек, ўз ишини эплай олмаганлар раҳбарлик қилган. Иш кўзини билишмаган... 652 таси ишлаб турибди...

Саволингизнинг иккинчи қисмига мавжуд рақамларни қиёслаб айтадиган бўлсам, фаолият юритаётганларидан 510 таси илгари ҳар ойда белгиланган муддатда қайта-қайта ҳисобот топшириши кўзда тутилган бўлса, ҳозир, яъни, фармондан сўнг ҳар чоракда бир марта ҳисобот топширишади. Демак, плюсь минус... Ҳозир ҳисоботлар 2584 мартага камайди. Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб, 34 та йирик корхона қолди. Улар ҳар ойда ҳисобот топширишади. Қолганлариники қисқариб, ҳисоботни ҳар чоракда беришади.

— **Олимжон, биласиз, 2-3 декабрь кунлари Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида Солиқ Кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонун муҳокама қилинди ва маъқулланди, матбуотда чоп ҳам этилди. Унда нима ўзгартишлар бўлди?**

— 2006 йилга мўлжалланган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонунда хусусан экология солиғини ва айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимини бекор қилиш назарда тутилди. Иш ҳақи фондига тушадиган Солиқ юкини камайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи унинг ўртача ва энг юқори ставкаларини камайтириш ҳисобига ўзгартирилди.

Шуниси муҳимки, бу янгиликлар келгуси йил Давлат бюджетида ҳам ўз аксини топди. Масалан, иқтисодиётга тушаётган солиқ юкини изчил камайтириб бориш, солиқ тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш мўлжалга олинди. 2006 йилнинг даромадлари (фойдаси)га солинадиган солиқ ставкалари камайтирилиши белгиланди...

— **Юридик ва жисмоний шахсларнинг дивидендлар ва фоизлар юзасидан тўлайдиган даромад солиқлари ставкаларининг камайтирилиши ҳақида ҳам ўзгаришлар бўлди-я...**

— Ҳа, Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамаси чоғидаёқ бу ставка 15 фоиз ўрнига 10 фоиз этиб белгиланиши айтиб ўтилди, — изоҳлади бошлиқ. — Бундан ташқари, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкаси ҳам 1 фоизга камайтириладиган бўлди. Иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов ставкаси бир мунча камайтирилди...

Бу фармон ва қарорларнинг барчаси тадбиркорлар учун кенг имкониятлар очиб бераяпти. Демак, такрор айтаман: ишлайман деганга имкон бор!

**Суҳбатдош:**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Шарҳ**

## Ўзбекистон ва ташқи дунё:

# СИЁСАТДА ҲАМ САРҲИСОБ БОР

Сиёсатда олдиндан нима бўлишини айтиш қийин. Чунки, сиёсат вазиятга қараб ўзгариб туради. Вазиятни эса манфаат бошқаради. Манфаатлар тўқнашганда унинг оқибат-натижаси қандай асоратлар бериши мумкинлигини олдиндан тасаввур этиб бўлмайди. Бундай пайтда баъзан дўстона шериклик ғаразли рақобатга айланиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам сиёсатни нозик санъатга қиёслашади. Аниқ бир қарор қабул қилишда етти ўлчаб бир кесиш керак. Бу, аввало, музокара ва мулоқотлар пайтида жуда ҳам зарур. Сиёсатда вазиятни тўғри англаш, оқилона ҳамда одилона талқин этиш катта аҳамиятга эга. Бундай прогнозлар сиёсатда тўғри йўл танлаш учун асос яратади.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил бошида «Независимая газета»га берган кенг қамровли интервьюси диққатга сазовор. Мана йил якунига келиб, мен мазкур интервьюда айтилган фикрларни, қоида ва хулосаларни 2005 йил мобайнида юз берган реал воқеликлар билан қиёслаб кўрдим.

Маълумки, шу йил кузда Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома имзоланди. Бу икки давлат ўртасидаги ўта яқин, ишончли, беғараз ва беминнат ҳамкорликни белгилайдиган ҳужжат. Хорижда ҳам, ўзимизда ҳам бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Нафақат хорижда, балки ўзимизда ҳам «иттифоқчилик» деган сўзни нотўғри тушуниб ёки талқин қилганлар ҳам бўлди. Ваҳоланки, бу мутлақо тенгликка асосланган ишонч кўприги эди. Хўш, унга қачон асос солинган эди?! Январь ойидаги ўша интервьюда шундай дейилган: «Стратегик шерикликнинг энг муҳим жиҳати шуки, у бизни, халқларимизни, минглаб инсонлар тақдири билан боғлиқ мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштиради. Бу алоқаларни ҳеч ким уза олмайди. Давлат раҳбарлари бу жараёнларни тезлаштириши ёки тўхтатишга уриниши мумкин, бироқ уларни узиб ташлашга ҳеч кимнинг қурби етмайди».

Демак, Ўзбекистон раҳбари йил бошида айтган ўз фикрида содиқ қолди ва икки давлат, икки халқ ўртасида ҳеч ким узиб ташлай олмайдиган ишонч кўприги қуришда қатъиятлик ҳамда изчиллик кўрсатди. Йил бошида танланган тўғри йўл йил охирига томон ўзининг мантиқий самарасини топди.

Ёки, АҚШнинг Хонободдаги ҳарбий базасини ёпиш билан боғлиқ масалани олайлик. Кўплар, айниқса, хориждаги кузатувчилар буни Андижон воқеаларидан кейинги ҳолат билан боғлашади. Аслида-чи? Келинг, яхшиси, Президентнинг 2005 йил январь ойида айтган гапини эслайлик. Интервьюда шундай дейилди: «Афғонистондаги контртеррористик операция охирига етгач, Ўзбекистон ҳудудида ҳар қандай мамлакат ҳарбий-ҳаво кучларининг бўлишига зарурат қолмайди. Чунки, биз суверенитетимиз нимадан иборат эканлигини яхши биламиз ва уни ҳимоя қиламиз». Ҳали Андижон воқеаси ҳеч кимнинг тушига кирмаган пайтда айтилган бу гап ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайди. АҚШнинг Андижон воқеаси оқибатларига муносабатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати ҳарбий базани ёпишни талаб қилди, деган гаплар атрофида миш-миш тарқатганлар ва тарқатаётганлар бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Ўзбекистон раҳбари ўша интервьюда яна бир жиддий масалада, яъни МДҲ ҳақида шундай деган эди: «Бугун МДҲ мустақил қарор қабул қилишга қодир эмас ва бу кимгадир қўл келмоқда». Бунинг оқибатини ҳаёт кўрсатди. Бу йил МДҲни тарк этганлар ҳам, ундан кўра Европа Иттифоқини афзал деб билганлар ҳам, муаммо туғилганда унга эмас, бошқа халқаро ташкилотларга мурожаат қилганлар ҳам бўлди. Бутун 2005 йил мобайнида МДҲ ё ислоҳ қилинади, ё тугатилади, деган фикр устувор бўлди. Ҳатто охирги Қозон саммитида ҳам жиддий бир тўхтамга келинмади.

Бунга сабаб шуки, ҳозир МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида фикрлар тарқоқлиги, ёндошувлар ҳамда таклифлар турличалиги, муносабатлар қарама-қаршилиги мавжуд. Бунга Россия билан Грузия ўртасидаги муносабатни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Охирги пайтда Россия билан Украина ўртасидаги муносабат ҳам бироз кескинлашди. Ҳақиқатдан ҳам бу кимгадир қўл келмоқда. Ҳамдўстликдаги айрим давлатлар МДҲдан кўра Европа Иттифоқи ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби халқаро ташкилотларнинг, шунингдек айрим мамлакатларнинг маслаҳатларига мойиллик билдирмоқдалар. Ҳамдўстлик таркибида шундай давлатлар ҳам борки, улар МДҲ оиласига кирган қўшни ва қардош, яқин шерик ва ҳамкор мамлакатлар билан маслаҳатлашмасдан мустақил ҳаракат қилишни афзал деб билишади. Аҳвол ана шундай экан, бундан буён МДҲ саммити бўлган тақдирда ҳам муҳокама қилинадиган ҳар қандай масала юзасидан якдиллик билан бир қарорга келиш анча мушкул кўринади. Агар 2004 йилда Украина ва Грузияда амалга оширилган «рангли инқилоб»лар туфайли МДҲда инқироз бошланган бўлса, 2005 йилда бу инқроз бироз чуқурлашди.

Шубҳасиз, инқирозни чуқурлаштиришга Қирғизистонда амалга оширилган **«рангли инқилоб»** ҳам ҳисса қўшди. Ваҳоланки, Ўзбекистон раҳбари 2005 йил январь ойида берган интервьюсида: «Навбатдаги тўнтариш хавфининг Қирғизистонда вужудга келганлиги ҳам ташвишли ҳолатдир» деб огоҳлантирган эди. Шунда ҳам зарур чоралар кўрилмади. МДҲга аъзо давлатлар ҳатто бунга эътибор ҳам беришмади.

Бунга тўхталиб ўтганимизнинг сабаби бор. Гап шундаки, Қирғизистонда синовдан ўтадиган тажриба тез орада Ўзбекистонда қўлланилиши керак эди. Бунга «демократияни олға силжитиш» технологиясини ишлаб чиққанларнинг ишончлари комил эди. Ахир «янгилик»ни Марказий Осиё шароитида чоғроқ давлатда синаб кўрмасдан каттароқ давлатда қўллаб бўлмайди-ку?!

Агар эътибор берган бўлсангиз, «Независимая газета» январь ойидаги интервьюни «Ўзбекистон Президентининг унинг мамлакатида «рангли инқилоб»лар бўлмаслигига ишончи комил» деган рукн остида берган эди. «Грузия ва Украинадаги каби воқеалар Ўзбекистонда рўй бермайди, — деди ишонч билан Ислом Каримов ва сўзида давом этди: — Одамлар бундай уриниш ва хатти-ҳаракатлар ортида қандай мақсадлар ётганини тушунишлари ва бундай режаларнинг амалга оширилишига йўл қўймасликлари керак». Йўл қўйилмади. Президент ва халқ қатъиятлик кўрсатди. Ўзбекистонда «демократия тақчиллиги»ни қоплашни ният қилганлар уриниб кўришди, бўлмади, доғда қолишди. Одатда, ютқазган томон ўзини оқлаш учун ўзгага тамға босади. Мағлубиятга учраган ҳар қандай инқилоб шундай қилади.

Антиқа бир ўхшашлик: илгари синфий инқилоблар экспорт қилинар эди, ҳозир эса ғарбнинг демократия модели экспорт қилинмоқда. Аввало, экспорт қилишнинг ўзи демократия моҳиятига зид. Мен «Евроньюс» телеканалини мунтазам кўриб бораман. Бу канал ғарбнинг демократия моделини изчил тарғиб қилади ва унинг «ажойиб қадриятлари» ҳақида жонли, ҳаётий, «ибратли» репортажлар бериб боради. Жумладан, ўтган ҳафта «Евроньюс» бир кеча-кундуз ўз кўрсатувларини Буюк Британиядаги бир «ибратли» воқеадан — иккита эркак ўзаро никоҳдан ўтиб, эр-хотин бўлганлиги тантанасидан тайёрланган репортаждан бошлади. Йигитлик давридан ўтиб, ўттиз-ўттиз беш ёшларни қоралаб қолган эркаклар бир-бирларига севги изҳор қилиб ўпишганида шампанлар очилиб, гуллар отилиб. Мусиқа янграб, бутун зал ларзага келди.

Тўғриси, ғарбнинг турмуш тарзида шарққа мутлақо тўғри келмайдиган бу каби «демократик қадриятлар» жуда кўп. Шарқ ва жануб уларни қандай қабул қилсин? Ҳозир Буюк Британиядаги каби ҳолат Европа Иттифоқи аъзоси бўлган ўнта давлатда қонуний асосга эга. Бошқалар ҳам уни қонунлаштириш тараддудини кўрмоқда. Ахир бизнинг тарихий, миллий, диний, маънавий хусусиятларимиз, дунёқарашимиз бундай ғарбча «эркинлик» ва «демократия» билан мутлақо келиша олмайдику.

Биз демократик ривожланиш ва жамиятни эркинлаштириш йўлини танлаганмиз. Бу йўл ўзимизга хос ва ўзимизга мос. Биз фуқаролик жамиятини давлатимиз ҳамда халқимизнинг замин ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурамиз. Ҳозир демократик жамият асосларини яратиш учун қадам қўймоқдамиз. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтилганидек: «Биз демократик жамият барпо этиш мақсади сари қадамларимизни кимгадир яхши кўриниш, кимгадир ҳисобот бериш ва сохта обрў топиш учун эмас, аввало — халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган манзилга босқичма-босқич ривожланиш йўли билан етиб бориш учун қўймоқдамиз. Ва ана шу йўлимиздан асло қайтмаймиз».

Якунланаётган йилда ҳам ўзимиз танлаган йўлдан бориб адашмадик. Мураккаб вазиятларда қатъиятлик, изчиллик ва ирода кучимизни кўрсатдик. Баъзан ҳеч иккиланмасдан журъатли қарорлар қабул қилдик.

Бугун ташқи сиёсатда танлаган йўлимизнинг 2005 йилги натижалари сарҳисоб қилинар экан, сўзсиз, «Независимая газета»га берилган интервьюда баён қилинган қоида ва хулосалар, прогнозлар асосли ва ҳаётий эканлигини вақт кўрсатди. Бугунги сарҳисоб Ўзбекистоннинг келгуси йилда ташқи дунё билан бўладиган алоқаларини янада мустаҳкамлашда тўғри йўналиш олиш имконини беради.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**






**ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ**

**нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам кўзга кўринган илм масканларидан. Бу ерда ёшлар илм ва касб-ҳунар сирларини ўрганиш билан бирга спорт турлари билан ҳам мунтазам шуғулланиш имкониятларига эга. Чунончи, шу йил май ойида Чирчиқ шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида коллеж терма жамоаси республикада сузиш бўйича 2-ўринни эгаллаб, жами 5 та олтин, 24 та кумуш ва 18 та бронза медалини қўлга киритди.**

*Коллеж жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаларини, шунингдек, бутун халқимизни кириб келаётган 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» билан муборакбод этади!*



**Янги йил барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака йили бўлиб қолишига тилакдошимиз.**



**САМАРҚАНД ШАҲАР АЛОҚА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

**барча ватандошларимизни**

**2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**

**кириб келиши муносабати билан табриклаш шарафига мушарраф бўлганидан бахтиёрдир.**

Юртимизда қилинган ишлар, бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, маънавий ва маърифий ўзлик, умуман тафаккур уфқининг салмоқлари аср мезонларига татигуликдир. Озодликнинг ҳур шабадалари сабаб биз қиёси йўқ ёруғ кунларга эришдик.

*Коллежимизда 655 нафар ўқувчи*
**Халқаро алоқа телефонисти;**
**Халқаро алоқа электромеханиги;**
**Рақамли комутация тизими оператори;**
**Бухгалтерлик иши;**
**Қўриқлаш, ёнғин сигнализация тизимини ишлатиш ва ўрнатиш;**
**Алоқа ва радиолаштириш линия иншоотлари монтёри**
каби 6 та йўналиш бўйича таҳсил олмоқдалар.

**Келгуси ўқув йили учун ҳам шу йўналишлар бўйича 9- ва 11-синфни битирганларни ўқишга қабул қилади. 11-синф ҳажмидагилар ҳам ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, ҳам ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга.**

**Азиз юртдошлар!**
**Янги йилда кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмасин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб кираверсин. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик доимо ҳукм сурсин. Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, нияти ғаразлардан Яратганнинг ўзи асрасин!**

*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамюртлар!*



«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ
жамоаси
барча юртдошларимизни
2006 ЙИЛ — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»
билан чин дилдан табриклайди.

Барчангизга соғлик ва осойишталик тилайди. Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмасин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб киравергсин. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда кўтаринки руҳ доимо ҳукм сурсин.
Бугунги кунда комбинатимиз ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича кўп тармоқли, янги технологияларга эга қудратли комплексга айланганлиги барчага аён.
Бу эса мен ўзбекистонликман деган ҳар бир ватандошимизни фахр-ифтихор ҳиссига чулғайди.

56 минг кишилик комбинат жамоаси кўпмиллатли, яъни қирқдан ортиқ миллатни бирлаштирган. Кадрлар салоҳияти самараси ўлароқ 80 дан ортиқ хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилиши комбинатнинг дунёда ўз ўрнига эгалигидан далолат.

Азиз юртдошлар!
Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, нияти ғаразлардан Яратганнинг ўзи асрасин!







## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ ИНШООТЛАР

Мамлакатимизда таълим тизимига бўлган эътиборнинг самараси ўлароқ кейинги йилларда ёшларнинг замонавий таълим олишлари учун жуда кўплаб ўқув масканлари фойдаланишга топширилмоқда. Байрам арафасида Навоий вилоятида ҳам қатор янги иншоотлар ишга туширилди. Хусусан, вилоят марказида компьютер технологиялари академик лицейи барпо этилиб, ёшларга топширилди. 980 нафар талаба таҳсил олишига мўлжалланган мазкур ўқув даргоҳини вилоят қишлоқ-қурилиш бошқармасининг қурувчилари замонавий услубда бунёд этишди.

Шунингдек, Хатирчи туманида уй-жой-коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи ҳам иш бошлади. Мазкур коллеж 900 ўринга мўлжалланган бўлиб, уни тумандаги 14-масъулияти чекланган қурилиш ташкилоти қурувчилари барпо этишди. Бундан ташқари, Қизилтепанинг Маликобод қишлоғида ҳам 31-мактабнинг янги биноси ўқувчиларга янги йил совғаси сифатида тақдим этилди.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Муносабат

## ГАП ЖАВОБСИЗ САВОЛЛАР ҲАҚИДА КЕТАЯПТИ

ГАЗЕТАНИНГ 20 ДЕКАБРЬ СОНИДА «ЖАВОБСИЗ 8 САВОЛ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛГАН ЭДИ

Орадан кўп ўтмай таҳририятга қашқадарёлик Исмат Худойбердиев ва Турсун Чориевлардан билдиришнома келиб тушди. Бу билдиришномаларда жумладан қуйидагилар ёзилган:

«... мақолада муаллиф Акбар Жонузоқов ҳақиқатга мос бўлмаган асоссиз фикрларни келтирган. Мен ҳақимда суд жараёнида мухбир таъкидлаганидек Отабек Ҳалимовнинг алаҳсираган одамдек кўргазма берганлигини чоп этилган мақола орқали билдим.

...Ушбу «Журналист текшируви» рукни остида берилган бу мақола бизни таажжубга солди. Чунки, бу жараёнлардан мутлақо хабарсиз эдик...».

Аввало, ҳар иккала домлаларимиз мақолани бироз бошқачароқ тушунишганга ўхшайди. Унда Қарши шаҳрида рўй берган бир қотиллик юзасидан олиб борилган терговва суд жараёнларида бизнинг назаримизда мавҳум қолган баъзи ҳолатлар савол тариқасида қўйилган эди. Отабек Ҳалимовнинг алаҳсирагандек кўргазмалари атайин кимнингдир шаънига таъсир ўтказиш учун эмас, балки иш ҳужжатларида унинг турли, бир-бирига қарама-қарши, асоссиз кўргазмалар бергани мисол тариқасида мақолада келтирилган.

Хуллас, О.Ҳалимов ўнга яқин одамларга асоссиз равишда кўргазма берган. Муаллиф О.Ҳалимовнинг бир-бирига қарама-қарши кўргазмаларини келтириш орқали бундай кўргазмалар соғлом ақлга тўғри келмаслиги ва дастлабки терговда К.Очиловга қарши берилган кўргазма ҳам юқоридагилар каби асоссиз эмасмикин, деган савол устида мулоҳаза юритган.

Ҳақиқий ҳолатни тасвирлаш, айтилаётган фикрни мисоллар билан асослаш учун мақолада айрим исм-фамилиялардан фойдаланишга тўғри келган. И.Худойбердиев ҳамда Т.Чориевлар бу ишга мутлақо алоқадор эмаслигини газетхонларимиз тўғри тушинадилар, деб ўйлаймиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан 1999 йилда Раъно Рауфова номига берилган № 018615 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли*
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



ОАЖ ФАЙЗ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ
«ФАЙЗЛИ-БАҒДОД»
МЧЖ ЖАМОАСИ
барча ўзбекистонликларни кириб келаётган
2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»
билан табриклайди.
Файз холдинг компанияси мебеллари билан файзли, гўзал хонадонларингизни қут-барака, тинчлик-тотувлик, тўкинлик асло тарк этмасин.
Янги йилингиз муборак бўлсин!
















**«Ўзбектелеком» интернейшнл**

Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси

**«Ўзи — Термиз» филиали жамоаси**

барча ватандошларимизни кириб келаётган

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**

муносабати билан чин юракдан табриклайди.

*Якунланаётган йил Ўзбекистонда телекоммуникация ва ахборот тизимини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Бу борада улкан ютуқларга эришилди. Янги йилдан ҳам умидларимиз катта. Ниятимиз шуки, энг аввало юртимиз осмони бегубор, халқимиз саломат бўлсин.*




**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчи-мураббийларни ҳамда бутун халқимизни кириб келаётган

**2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**

билан самимий муборакбод этади.

Юртдошларимизга соғлик-саломатлик, оилавий бахт, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги ишларида улкан зафарлар тилайди.

Янги йил юртимизга тўкин-сочинлик, қут-барака, ҳамиша эзгулик олиб келсин!



## Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

*2005 йил 29 ноябрда ва 27 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли объектлар инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади:*

**Танлов савдолари натижаси**

| № | Танлов савдоси санаси | Объект номи | Манзили | Инвесторнинг таклифлари | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик) | Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн. сўм) | Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | 2005 йил 29 ноябрь | «Саноатқурилишиндустрия» ОАЖ балансидаги қурилиши тугалланмаган «Монолит уй-жой қурилиши базаси» | Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди (КПД-5 ёнида) | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 550,338 | 1 |
| 2 | 2005 йил 27 декабрь | 9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835,0 кв.метрга тенг бўлган 7-сон ётоқхона биноси | Мирзо Улуғбек тумани. «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй | Фаолият турини сақламаган ҳолда | 795,0 | 1 |

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-39-57, 133-22-98.**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳамда Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказилиш куни — 2006 йил 11-18-25 январь, соат 11.00 да.

Ўтказилиш жойи — Тошкент вилоят ҳокимияти.

Манзил — Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

**Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:**

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

а) ариза ҳужжатлар тўплами;

б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;

в) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим).

Конвертлар муҳрланиб, (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширадилар.

| т/р | Корхона ёки объект номи | Жойлашган жойи (тум.шаҳ) | Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари | Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик) | Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм) | Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати, (йил) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Бўстонлиқ туман босмахонаси» МЧЖ | Бўстонлиқ тумани | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 50 | 17 ой |
| 2 | «Сил касаллигига қарши диспансернинг эски ҳисобхона биноси» | Ўртачирчиқ тумани | Тўлиқ мулкий мажмуа тарзида | Фаолият турини сақлаб қолмаслик | 8 | 12 ой |

**Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар Миробод тумани, Моварауннаҳр кўчаси, 19-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси. Телефонлар: 133-08-65, 133-67-22, 132-06-76.**



**Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир**

**Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам мактаб таълимини ривожлантириш масаласига энг муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Давлат умуммиллий дастури талабларидан келиб чиқиб мактаб биноларини янгилаш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга замонавий ўқув-лаборатория ускуналари етказиб беришда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шулар қаторида мактабларни малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, уларни моддий, маънавий рағбатлантириш, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилиши зарур талай ишлар ҳам борки, булар айни пайтда мутасаддилардан ҳар қачонгидан-да кўпроқ фидойиликни талаб қилади. Биз мазкур масалалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Бегдулла СУЛТАНОВга мурожаат қилдик.**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — МИЛЛАТ ВА ХАЛҚ ИШИ

— Мустақиллик йилларида мактабларга кўрсатилаётган эътибор, хусусан мактаб таълимини ривожлантириш масаласига давлатимиз, шахсан Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келаётгани таълим соҳасини янги мазмун билан бойитди. Бугун мактабда ишлаш, у ерда мамлакатимизнинг бахтли фарзандларига таълим-тарбия бериш кўпчиликнинг орзусига айланмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилга режалаштирилган ишлар ўз вақтида сифатли бажарилди. Хусусан, 32 мактабда капитал реконструкция, 23 тасида капитал таъмирлаш, 20 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Замонавий услубда қурилиб, энг сўнгги турдаги ускуналар билан жиҳозланган бешта янги мактаб эса жорий ўқув йилида юзлаб фарзандларимизни ўз бағрига олди.

Шу ўринда мактабларимизни дарсликлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактаблар учун ушбу йилда 52 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этиш режалаштирилган бўлиб, вазирлигимиз тасарруфидаги таълим муассасалари кутубхоналарига шу кунгача жами 13329 нусха бадиий, дарслик ва ўқув қўлланмалар етказиб берилди.

**— Таълим борасидаги ислоҳотларни амалга татбиқ этишда кадрлар алоҳида ўрин тутади. Айтинг-чи, Қорақалпоғистонда умумтаълим мактабларини малакали педагог-кадрлар билан таъминлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қандай ҳал этилмоқда?**

— Республикамизда олий маълумотли ўқитувчилар тайёрлаш бўйича Нукус давлат педагогика институти, Қорақалпоқ давлат университети, бир неча олий ўқув юртларининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Республика халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти педагогларига, ота-оналар ва ўқувчиларга Президентимиз Фармонлари, ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда ибратга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Ўтган ўқув йилида Вазирлар Маҳкамасининг ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир қарорига асосан 18 мингдан ортиқ ўқитувчига қўшимча устама ҳақ тўланганди. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган **«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш** чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эса соҳа ходимлари меҳнатини нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг асосий саъй-ҳаракатларидан бири эканини, бундан буён ўқитувчи шахси ва унинг меҳнати юксак қадрланишини англаб, бугун барчада бу касбга қизиқиш ва иштиёқ ортмоқда.

**— Болалар спортини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар, жумладан қишлоқ мактабларида ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Ўтган қисқа давр ичида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Амударё, Кегайли, Хўжайли туманларида Болалар спорт комплекслари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Чимбой, Қораўзак, Қўнғирот, Қонликўл туманларидаги бир қанча мактабларнинг спорт майдончалари реконструкция қилинди. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, Элликқалъа, Беруний туманларида болалар спорти майдончалари реконструкция қилинди.

Ҳозирги кунда болалар спортини ривожлантириш бўйича барча туманларимизда кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифи чоғида Нукус шаҳрида барпо этилган спорт иншоотининг очилишида иштирок этгани соҳа ходимларига янада шижоат бағишлади. Ҳозирги кунда бу ерда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу залда спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, теннис, бадиий гимнастика турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилди.

**— Бугунги кунда жамият тараққиётида ахборот технологияларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг компьютер техникасидан самарали фойдаланиши, ахборот алмашиш ишларини йўлга қўйиш таълим муассасалари олдидаги асосий вазифалардан бири бўлиб турибди. Бу йўналишдаги ишлар қандай бормоқда?**

— Республикамиздаги 754 та умумтаълим мактабларида 327 та компьютер синфлари мавжуд. Ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда Нукус, Тахиатош шаҳарлари, Кегайли, Хўжайли ва Нукус туманларидаги 11 та мактабга замонавий компьютерлар ўрнатилди. Умуммиллий дастурга мувофиқ, яна 80 та мактабни замонавий компьютер техникалари билан таъминлаш бўйича таклифлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун мактабга эътибор масаласи мамлакат миқёсида миллат ва халқ ишига айланмоқда. Бу жараёнда барча юртдошларимиз фаол иштирок этаётгани бизни янада қувонтиради.

**Суҳбатдош:**
**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

**Футбол**

# «НАСАФ» «БРОНЗА»НИ «ОЛТИН»ГА АЛМАШТИРМОҚЧИ




Ўзбекистон XIV миллий чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган Қаршининг «Насаф» жамоасига бронза медаллари тантанали равишда топширилди.

— Вилоятимиз бош жамоаси ҳамиша юқори натижаларни кўзлаб майдонга чиққан, — деди тадбирда иштирок этган Қашқадарё вилояти ҳокими, вилоят футбол федерацияси президенти Нуриддин Зайниев. — Ўтган мавсумда ҳам футболчиларимиз чемпионатнинг олтин медалига асосий даъвогарлардан бири бўлди. Вилоятимиздан бир йўла учта жамоанинг олий лигада иштирок этганлиги, улардан эса «Машъал» ва «Насаф»нинг совриндорлар қаторидан жой олганлигига бугун барча ҳавас билан қарамоқда. Ишонаманки, сизлар янги йилда Қаршининг 2700 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлаб, «бронза»ни «олтин»га алмаштирасизлар.

Тантанали маросимда футболчилар вилоят ҳокимлиги, ҳомий ташкилот ва корхоналарнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, жамоа ўйинчилари, бош мураббийи ҳамда клуб вице-президентининг таассуротлари, кейинги режалари билан қизиқдик.

**Рўзикул БЕРДИЕВ, жамоа сардори:**

— Жамоамиз ўтган мавсумда ҳар қачонгидан-да мазмунли ва ҳужумкор ўйин намойиш этишга ҳаракат қилди. Биринчи даврани карвонбоши сифатида якунлаб, чемпионат охирида учинчи ўрин билан кифояланганлигимиз нафақат мухлисларга, балки ўзимизга ҳам алам қилди. Энг муҳими, «Насаф»нинг мамлакатнинг ҳар қандай жамоасига қарши муносиб рақиб эканлигини исботладик. Худо хоҳласа, келгуси йили фақат олтин медаль учун майдонга чиқамиз. Бунинг учун имкониятимиз ҳам, тажрибамиз ҳам етади.

**Баҳром ҲАКИМОВ, жамоанинг янги бош мураббийи:**

— Бир йиллик танаффусдан сўнг яна жамоага қайтдим. «Насаф»да олдин ҳам ишлаганлигим туфайли қаршиликларнинг имкониятларини жуда яхши биламан. Вилоят раҳбарларининг футболни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари жамоани юқори натижаларни қўлга киритишга ундаши табиий. Қолаверса, мамлакатимизнинг бошқа бирорта шаҳрида Қаршидагидек фидойи ва жонкуяр ишқибозларни кўрмаганман. Албатта, чемпион бўлиш осон эмас. Аммо бу ерда яратилган шарт-шароитлар, аҳил жамоа билан катта мақсадларга эришса бўлади.

**Норқул ДАМИНОВ, футбол клуби вице-президенти:**

— Жамоамиз 4 январдан янги мавсумга тайёргарликни бошлайди. Тажрибали мутахассис Баҳром Ҳакимовнинг «Насаф»га қайтганлиги жамоа аъзоларини қувонтирди. Чунки, у футболчиларимиз билан тил топиша олади. Жамоа таркибида деярли ўзгаришлар йўқ. Ўйлайманки, келгуси мавсумда «Насаф» ўз мухлисларини хурсанд қилиб, Қаршининг 2700 йиллик тўйига ажойиб совға ҳозирлайди.

**Анатолий КУРАСОВ**

**Газетхон илҳоми**

## ШИФОКОР

*Мадад истаб, шифтга қараб ётганга,*
*Бу чексиз дунё ҳам каталакдек тор.*
*Уларнинг кўзига нажоткор бўлиб,*
*Кўринасан фақат ўзинг шифокор.*
*Ҳузурида бўлсанг сенга термулиб,*
*Қалбига жо қилар ҳар бир сўзингни.*
*Дардларига малҳам бўлай деб,*
*Давосин излайди ҳар ҳасталикни.*

*Соғайганда сенинг маслаҳатингдан,*
*Етти ёт бегона бўлса ҳам бемор.*
*Энди улар фикрин билмоқ истасанг,*
*Меҳридарё ўзинг, нажоткор ўзинг.*
*Даво топиб бемор кетар чоғида,*
*Қувончи кўриниб турар кўзидан.*
*Аён бўлар минг бор миннатдорлиги,*
*Кулиб сенга «раҳмат» деган сўзидан.*
*Истардимки, ҳалол меҳнатинг учун,*
*Қўлинг дард кўрмасин, ҳаёт гаштин сур.*
*Дардмандларга малҳам бўлгансан доим*
*Ўзинг ҳам омон бўл, узоқ умр кўр.*
*Халқнинг соғлиги-ю тинчини ўйлаб*
*Йиллар бағишланди сенга шифокор*
*Чунки эл соғлиги сенинг қўлингда*
*Сенга эътибор — бу элга эътибор!*

**Миржалол МИРЁҚУБОВ, шифокор-стоматолог**

## ИСТАК

*Бергил ҳаёт, сабру садоқат,*
*Дунёнинг сири — меҳру оқибат.*
*Тирик жон доимо меҳр истайдир,*
*Мурувват заминни асраб яшайдир.*

*Туғилган диёрга содиқ бўл, сақла,*
*Сен унинг вужудин бир заррасидирсан.*
*Асра, замин улғайтган она халқингни,*
*Шошил, ул ишончни сен бугун оқла.*

*Эзилган халқимга зиё, нур ёғди,*
*Баракот аҳд этди, тақдир хўш кўрди.*
*Беминнат нонингдан, йўғуборингдан,*
*Розиман, сен томон юзланиб бугун.*

*Дуога қўл очиб, ҳикматлар ёзгил,*
*Самога таралгай, меҳру шафқатинг.*
*Авайла, эъзозла, ҳар нафас боринг,*
*Жон куйдир қадрингга, дўстликни сақла.*

**Интизор НУРОВА**



BANK XALQ BANKI

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банки

ХАЛҚ БАНКИ

Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган

2006 йил —

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

билан самимий муборакбод этади.

Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барака ва оилавий бахт тилайди.

Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.

Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.

Халқ банки — сизнинг оилангиз банки!






«Ўзсаноатмашимпэкс» давлат-акциядорлик ташқи савдо компанияси жамоаси компания департаменти директори Лазиз Хожиахмедовга онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

**Апипа ҲАСАНОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Latif G`ULOMOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
**Alijon ABDURAHMONOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchi:**
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:**
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
***Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.***
***Hajmi 2 bosma taboq.***
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 252
*6342 nusxada bosildi*
*t — Тижорат материали*
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti 23.30
1 2 3 4 5
**Sotuvda erkin narxda**